180996

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANʼATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА • ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

6 сентябр, № 36 (3373)

ЮКСАК МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Учрашувда одамлар қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалалари хусусида гап борди.

Президент йиғилганларни куни кеча тантанали нишонланган Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлади.

Мазкур сана халқимизнинг чинакам миллий байрамига айланди, деди Ислом Каримов. Бу халқимизнинг эртанги ёруғ кунларга ишончи ортиб бораётганидан далолатдир. Биз одамларда маданият ва маънавият юксалгани, ўзлигини англаш туйғулари, Ўзбекистон — менинг Ватаним, деган муқаддас туйғуни ҳар бир ватандошимиз онгига теран кириб борганига гувоҳ бўлдик. Байрам шодиёналарида юртдошларимиз ўзларининг Ватанга муҳаббатларини изҳор этдилар. Мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга муносабатларини билдирдилар. Юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик энг катта бойлигимиз эканини яна бир карра намоён этдилар. Бу қувонарли ҳолдир, биз изчиллик билан амалга ошираётган ишларнинг натижаси, мустақиллик йилларида қўлга киритган энг катта ютуғимиздир.

Агар 1990-91 йиллардаги қалтис вазиятни эсласак, шу нуқтаи назардан бугуни кунларимизга баҳо бersак, яратганга шукрона айтишимиз керак. Ўша йиллари тўғри йўлдан салгина оғиб кетсак, нима бўларди? Айрим қўшни мамлакатлар мисолида кўриб турганимиздек, бошқарув издан чиқиб, тараққиётимиз неча ун йиллар орқага кетган бўларди. Шукрки, Аллоҳ бизни тўғри йўлдан оздирмади. Шуни таъкидлаш керакки, жамиятда тинчлик, осойишталик, тотувлик муҳити ҳукм сурса, ҳоҳ иқтисодий, ҳоҳ ижтимоий бўлсин, ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш мумкин. Буни кейинги йиллардаги тажрибамиз исботлаб турибди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бу хайрли ишларга адабиёт ва санъат намояндалари, маданият арбоблари муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг меҳнати самарасини, иқтисодий кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, бирон мезон билан ўлчаб бўлмайди. Уни фақат одамлар қалбида уйғонган ғурурдан, чеҳраси очиқлигидан англаш, ҳис этиш мумкин.

Мустақиллик байрами каби қутлуғ саналарнинг шарофати шундаки, байрам баҳона ҳар бир инсон босиб ўтилган йўлга назар ташлайди, унда эришилган ютуқлардан қувонади, йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ чиқаради. Демоқчиманки, истиқлолимизнинг беш йиллиги тараққиётимиз йўлидаги муҳим бир босқич, таъбир жоиз бўлса, янги бир маррадир. Энди ана шу маррадан туриб келажак режаларимизни, иқтисодиёт, маънавият соҳасида олдимизда турган вазифаларни белгилаб олишимиз даркор.

Ҳадемай буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг муборак 660 йилликлари нишонлаймиз. Бу оддий байрам эмас, тарихимиздаги буюк санадир. Юбилей муносабати билан бир қанча иншоотлар бунёд этилмоқда, тарихий обидалар таъмирланмоқда. Айниқса, қадимий Самарқанд, Шаҳрисабзда кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Ҳукуматимиз, жамоат ташкилотлари хайрли ишларни амалга ошириб, байрамга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Қолаверса, ҳар бир юртдошимиз буюк бобокалонимизга эҳтиромини бажо келтириб, қўлидан келганича бу тўйга совға тайёрлаяпти. Бу ўзлигимизни англаганимиздан, не буюк зотларнинг ворислари эканимизни тушуниб етганимиздан далолатдир.

Соҳибқирон юбилейи дунёнинг маданият учоқларидан бири — Парижда бошлангани, нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО бу ҳақда махсус қарор қабул қилгани ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади, албатта. Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқнинг зилол сувларидан баҳраманд бўла бошладик. Шуро даврида унутилган қадриятларимиз, номи қораланган бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини биз оби кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз. Ўйлайманки, биз нимага эришган бўлсак, ана шу савобли ишларимиз учун Аллоҳнинг бизга иньом этган марҳаматидандир.

Амир Темур юбилейи муносабати билан қурилган иншоотлардан бири — Темур ва темурийлар тарихи давлат музейидир. Миллий меъморлик анъаналаридан фойдаланиб бунёд этилган мазкур бино кўзни қувонтиради. Ғуруринги, салобати билан ғуруримизга ғурур қўшади. Иншооллоҳ, бу музейни биз буюк бобомизнинг туйи арафасида, муборак жума куни очамиз. Бу маросим миллий анъаналаримизнинг намойиши бўлади. Унда маданиятимиз арбоблари, дин вакиллари, тарихимизни муқаддас ҳисоблаган барча иштирок этади. Эсимда, бундан уч йил бурун Тошкентнинг марказида Амир Темур ҳайкалини очганимизда, унинг юзида илоҳий нур зоҳир бўлгандай, у биз томонга қараб таралгандай туюлганди. Балким Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, ат-Термизий каби муборак зотларнинг номини асрлар чангидан тозартириб, ҳурматларини жойига қўйганимиз ана шу ғайри табиий ҳолатнинг боиси бўлгандир. Бу билан яратганимиз бизга куч-қудрат ато этган, ҳар хил офату балолардан, ёмон кўзлардан асрагандир, деди юртбошимиз.

Маънавият ва маърифат йўлида меҳнат қилаётган сиз каби аллома ва адибларнинг вазифаси шундан иборатки, соҳибқирон таваллудидек шонли сана муносабати билан халқимиз ичига, ватандошларимиз юрагига янада теранроқ кириб борайлик. Ёшларни буюк тарихимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Кўпни кўрган кексаларнинг дуосини олайлик.

Бу борада матбуот, айниқса, телевидение одамлар билан мулоқотни изчил йўлга қўйиши керак. Бой тарихимиз, маданий меросимиз юртдошларимизнинг маънавий мулкига айланиши лозим. Бу иш фақат шонли саналар муносабати билан эмас, яъни мавсумий бўлиб қолмай, ҳар доим диққат марказимизда туриши лозим. Илтори бизга бу борадаги ишлар юзасидан кўрсатмалар бериларди. Шуни дилдан ҳис этишимиз керакки, энди у марказ йўқ. Шундай экан, ҳар ким ўз жойида юқоридан кўрсатма кутмасдан, зиммасига юклатилган вазифани бажариши керак.

Бугунги учрашувдан фойдаланиб, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессияси якунлари бўйича сизлар билан фикрлашиб олмоқчиман. Хабарингиз бор, мазкур сессияда жамиятимизда демократиялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, матбуотни амалда тўртинчи ҳокимият даражасига кўтариш, суд идораларини жазоловчи эмас, балки фуқаролар манфаатини ҳимоя қилувчи қонуний воситага айлантириш тўғрисида гап борди.

Демократия хусусида шуни аниқлаб олишимиз керакки, ҳеч бир мамлакатда бошқа давлатда қарор топган демократияни тўғридан-тўғри, яъни нусха кўчириш йўли билан жорий этиб бўлмайди. Чунки ҳар бир инсон, ҳар бир жамият ўз ҳаёти билан яшайди, Тўғри, демократиянинг умум эътироф этган, барча учун бирдек зарур бўлган талаблари бор. Биз ана шу талабларни назарда тутган ҳолда демократия жараёнларини чуқурлаштиришда миллий ўзига хослигимизни, анъаналаримизни ҳам инобатга олишимиз зарур. Дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, Америка демократияси, айтайлик, Оврупо демократиясидан фарқ қилади. Демоқчиманки, бу борада барча учун умумий бўлган ягона қолип йўқ.

Шу маънода, ўтган беш йил мобайнида биз нафақат сиёсат, иқтисодиёт борасида, балки ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятда демократия тамойилларини қарор топтиришда ҳам, таъбир жоиз бўлса, пойдевор барпо этдик. Энди ана шу пойдевор устида фуқаролар эркинлигини таъминловчи демократия биносини тиклашимиз мумкин. Демократиянинг асл моҳияти — инсон қадр-қиммати, ҳурмати ҳамма нарсадан улуғ, деган ақидадан иборат бўлмоғи лозим. Шуро даврида инсон жамоат, давлат учун хизмат қиларди, қурбанларди. Ҳолбуки, бу аксинча бўлиши керак. Инсон сўзи она, Ватан деган каломлар каби муқаддасдир. Бу муқаддасликни, инсон эркининг даҳлсизлигини мустаҳкам қонунларимиз ҳимоя қилиши керак. Халқнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва бурчларини теран англатиш борасида матбуот ходимлари кўп иш қилиши лозим. Жамиятда ҳаётга, ўзгаришларга бефарқ қарайдиган лоқайд кимсалар бўлмаслиги керак. Бу тараққиётимизни орқага суриб юборади. Инсон буюк, эзгу орзулар билан яшасин. Уни нафақат мамлакат, балки жаҳонда рўй бераётган ҳодисалар қизиқтирсин. Дунёқараши, онги чегараланиб бир қолипда қолмасин. Миллий ғурур, истиқлол мафкураси ғоялари унга доимо ҳамроҳ бўлсин.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, миллий ғурур ҳақида гапирганда, уни улуғлаганда ҳеч ким ўз миллатини бошқалардан устун қўймаслиги керак. Дунёда катта ёки кичик миллат йўқ, балки ҳар бир миллатнинг ўз ғурури бор. Уни камситишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, дея таъкидлади Президент. Шу маънода, ўз кучига, салоҳиятига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади. Бундай миллат кучли, айни дамда вазмин, босиқ бўлмоғи керак. У ўзининг иқтисодий ютуқлари, маънавий юксаклиги билан бошқаларда ҳавас уйғотсин. Юртдошларимизни ана шу руҳда тарбиялаш аввало маърифат ва маънавият намояндаларининг энг асосий, муқаддас бурчидир.

Дунё ўткинчи. Дўппини бир бор айлантиргунча орадан шитоб билан неча йиллар ўтиб кетади. Ўзлигини англаб етган, қалбига қулоқ солган ҳар бир инсон ўзига, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга вақтим ва қурбим етади, деган саволни бериши керак. Ана шундай савол инсон қалбини тозартиради, уни босавоб, эзгу ишларга чорлайди. Хуллас, маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон — ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётидан рози кетади.

Биз нега тарихий қадриятларимизга, буюк бобокалонларимизга бу қадар эътибор бердик? Уларни халқимизга қайтаришга, танитишга ҳаракат қилдик?

Мақсад шу эдики, ҳар бир инсон ўз умрини ана шу табаррук зотлар кечирган ибратли ҳаёт билан таққослар экан, қунглидан мен ана шу салафларимизга муносиб ворисманми, деган саволлар ўтсин. Улар шу қадар буюк мерос қолдирибди, мендан нима қолади, деган туйғу билан ўз фаолиятини баҳоласин.

Афсуски, жойларда маданият ва маънавият масалаларига енгилгелги қараш ҳоллари мавжуд. Бу борадаги ишларни охирига етказиш масъулиятини кимдир зиммасига олиши керак. Шу маънода, маданият ва маърифат намояндалари билсинларки, маънавиятнинг энг асосий ҳимоячиси республика Президенти бўлади, деди Ислом Каримов. Биз маънавият масаласидаги ишларимизни янада такомиллаштириш мақсадида махсус фармон чиқарамиз. Чунки, маънавият ишларини йўлга қўймасдан туриб иқтисодий юксалишларга эришиш қийин. Зеро, юксак маънавияти бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқдир.

Суҳбатда «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбари Н. Аминов, марказ раҳбари ўринбосарлари Ш. Ерматов, Э.Аъзамов, адабиётшунос олим О. Шарафиддинов, ёзувчи Х. Тухтабоев жойларда маънавият борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, болалар ва ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, оммавий ахборот воситаларида бу борада теран материаллар уюштириш, телевидение кўрсатувлари сифатини янада яхшилаш, маънавий эҳтиёжимизни қондиришга хизмат қиладиган китоблар чоп этиш хусусидаги фикрларини баён этдилар.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, матбуот котиби М. Муҳаммад Дуст қатнашди.

Президент Ислом Каримов 4 сентябр куни «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учраши

Ахмад ХЎЖА.
(ЎзА).

Учрашув қатнашчиларининг фикр-мулоҳазаларини газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Бугуннинг баҳси

ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАЙЛИК!

Халқимизда «Ҳақиқат аччиқ бўлади, дўст ачитиб гапиради», деган нақллар бор. Уринли, асосли танқиднинг меваси, шубҳасиз, ширин бўлади. Гап фақат танқидни қандай тушунмоқлигу қандай хулосалар чиқармоқликда.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида оммавий ахборот воситалари фаолияти танқид қилинди: **«Очиғини айтганда, бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шаклларини эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевидениеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди. Айрим оммавий даврий нашрларнинг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмайди. Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланмоқдалар».**

Келинг, очиқчасига гаплашайлик. Оммавий ахборот воситалари бугунги кун талаблари даражасида фаолият кўрсатмаётгани, муаммоларни дадил кўтариб чиқмаётгани, сусткашлик қилаётгани, маърузада айтилганидек, «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилмаётгани бор гап. Газета-журналларнинг сони кун сайин ортиб, кўпайиб бормоқда. Ўз нашрига эга бўлмаган ташкилотлар қолмади ҳисоб. Аммо зарур, шиддатли мақолалар йўқ. Таҳлилий мушоҳада, танқидий баҳс йўқ. Фикрлар хилма-хиллиги йўқ. Воқеа-ҳодисалар ривожини олдиндан кўра олишга қодир сиёсий, иқтисодий умумлашмалар, кенг қамровли шарҳлар йўқ. Матбуот тили сийқа ва зерикарли бўлиб бормоқда.

Бир воқеани деярли барча газеталар бир хилда, бир йўсинда ёритишлари, бир-бирларини эринмай такрорлашлари, гоҳо эринчоқлик билан бир-бирларидан шундоққина кўчириб қўя қолишлари ҳамон одат бўлиб келмоқда. Ҳеч бир нашр бугун бу аччиқ ҳақиқатдан ўзини истисно қила олмаса керак.

Ҳар бир газета, ҳар бир журнал ўз йўналиши, ўз овози, ўз услубига эга бўлсин деган талабни амалга ошириш йўлида, эътироф этиш керакки, маълум ҳаракатлар, изланишлар бўлмоқда. Аммо бизнинг бугун бу мақсадга тўла эришиб бўлдик, деб айта олмаймиз.

Нега шундай бўлмоқда? Матбуотнинг оқсаши сабаблари нимада? Айб кимда? Маҳоратини оширмаётган, янги давр, янги шароитни ижодий ҳис эта олмаётган, моҳиятини англаб ета олмаётган, иш услуби, дунёқарашини ўзгартиришга қурби етмай турган мухбиру муҳаррирдами ё бунинг бошқа сабаблари ҳам борми?

У ёки бу муаммони газета саҳифасига олиб чиқиш учун энг аввало маҳорат керак. Журъат керак, билим, савия керак. Ўзи ишонмаган нарсага бошқа бировни ишонтириш деярли мумкин бўлмаганидек, чала маълумот, чала кузатув асосида, гарчанд ўта маҳоратли бўлганда ҳам, чала мақола ёзиш мумкин, холос.

Журналист қаламга олаётган мавзуни, муаммони яхши билмаса, нима учун ёзаётгани ва бундан не мақсад кўзланаётгани ва бундан не мақсад кўзланаётгани ва бундан не мақсад кўзлан

Озод ШАРАФИДДИНОВ

МАЪНАВИЯТ–ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Шу йилнинг баҳор ойларида Президентимиз дунёнинг 6-7 мамлакатига кетма-кет сафар қилди. Сафар машаққатини сафарда юрганлар билади. Бунинг учун қанча куч керак, қанча машаққат чекиш керак, қанчалар уйқудан қолиш, ҳаловатдан кечиш керак. Бунинг устига бу сафарлар шунчаки оддий қунгилочар саёҳатлар эмас, давлат ташрифи эди. Уларнинг оқибатида республикамизнинг жаҳон ҳамжиҳатлигига эшлиги ортди, халқаро обрўйи кучайди. Бу сафарлар юртимиз одамларининг ҳам кўксини тоғдек кўтариб юборди. Ҳеч кимга сир эмаски, америкаликлар ва айниқса уларнинг арбоблари юртимизга жиндай такаббурлик билан қараб келишарди. Президентимизнинг сафаридан кейин аҳвол бутунлай ўзгарди. Энди америкаликлар Ўзбекистон ҳақида эҳтиром билан гапирадиган бўлиб қолишди, бизнинг улка билан ҳар хил алоқаларга киришишга хоҳиш билдира бошлашди. Ёки Франциянинг қўҳна ва ҳамиша навқирон маркази Парижда ўтказилган Амир Темур қунларини эсланг. Машҳур «Одеон» театрининг зали одамга лиқ тўла. Бир замонлар Темур каломи етиб келган бу шаҳарга Президентимиз ўзбекнинг санъатини, ўзбекнинг қалбини олиб келди. Ўзбек мусиқасининг ғўзал садолари зални тўлдирганида хонандаларимизнинг жарангдор овозлари, дилбар қўшиқлари томошабинлар қалбини забт этганда, раққосаларимизнинг товусдек турланиб ўйнашлари ҳаммани ром қилганида бўлоқдек қайнаб тошаётган бу ғуваллиларга қараб лол қолган, ундан кўз узишга ботинолмай нигоҳи саҳнага михланган французларни кўрганда мен ҳаяжондан ларзага тушдим, ўзимнинг ўзбеклигимга, менинг санъатим, менинг маҳоратим олис Овруподаги одамларни маҳлиё этаётганига ғурурланиб кетдим, кўзларимда беихтиёр ифтихор ёшлари қалқди. Ўша куни, ўша оқшом кўкси тоғдек кўтарилмаган, ўз юрти, ўз халқи, ўз маданияти учун ифтихор қилмаган ўзбек бир мен эдимми? Ҳа, Президентимизнинг қўпгина сафарлари бизнинг ўзлигимизни яхшироқ таниб олишимизга, миллий ғуруримизнинг барқ уриб яшнашига хизмат қилади.

Куни кечагина мустақиллигимизнинг беш йиллигини байрам қилдик. Юртимизнинг буюк келажагини барпо этишда биринчи довондан ўтдик. Албатта, бу йул осон кечгани йўқ. Ҳали олдинда довонлар кўп. Улар ҳам осон кечмайди. «Йул азоби» деган гаплар бор. Аммо ҳар гал довон тепасига кўтарилганда қаршингда янги уфқлар, янги кенгликлар, кўз илғамас мафтункор манзиллар пайдо бўлади, улар сени ўз бағрига чорлайди. Шу ғуззаллик иштиёқида машаққатларни унутасан-да, яна йўлга равона бўласан. Бугун дастлабки беш йилнинг якунларига назар ташласак, қурамизки, халқимизнинг эрганги қунга ишончи янада барқарор бўлиб қолди. Беш йил ичида иқтисодиёт ва ижтимоиёт соҳасида сезиларли ютуқларга эришдик. Бироқ мен бу уринда улар тўғрисида эмас, маънавият ҳақида гапирсам дейман. Бугун ҳаётга разм солган одам аниқ равшан шуни кўрадики, халқимизнинг руҳияти, маънавияти ҳам аста-секин ўзгариб бормоқда. Маънавият шунақа нарсаки, ундаги ўзгаришларни килолаб ёки метрлаб ўлчаб бўлмайди. Маънавият тушунчаси ғоят кенг қамровли тушунча. У одамнинг эътиқодини ҳам, номус-виждонини ҳам, ҳалоллиги-покизалигини ҳам, маданий савиясини ҳам, расм-русумларини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун маънавият нима?» деган саволга лўнда жавоб бериш қийин. Маънавиятни шакллантириш, ривож топтириш эса янада мушкулроқ. Бу узоқ давом этадиган машаққатли жараён. Кечкурун ётаётганда «Илоҳо эрталаб маънавиятим яхши бўлиб қолсин» деб тилак тилаганингиз билан эрталаб шундай бўлиб қолмайди. Маънавиятнинг юксалиши биринчи навбатда моддий ҳаётга, иқтисодий пойдеворга боғлиқ. Ижтимоий муносабатларга боғлиқ. Ҳаётда адолат барқарор бўлса, инсоф, диёнат устивор бўлса, маънавият ҳам шунча юксак бўлади ва табиийки, маънавият ҳам мисоли бир гулга ўхшаган нарса — уни севиб арлоқлаш, тинимсиз парвариш қилиш керак. Бу иш ҳар қандай одамнинг болалигидан бошланиб, сўнгги нафасларига қадар давом этади. Афсуски, биз бу борада Президентимиз айтганидек, ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Мен шу имкониятлардан баъзилари ҳақида тўхталмоқчиман.

Бугун телевидение ҳар бир одамнинг ҳаётида тобора каттароқ рол ўйнамоқда. Равшанки, у фақат оммавий ахборот воситасигина эмас, айни чоғда қудратли тарбия қуроли ҳамдир. Албатта, халқ маънавиятини юксалтиришда ҳам ТВнинг алоҳида роли бор. Хўш, ТВ зиммасидаги бу улкан вазифани қандай бажармоқда? Табиийки, мен ТВнинг ишларига бир ҳакам сифатида ҳукм чиқармоқчи эмасман. Балки оддий бир томошабин сифатида ўз мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Сўнги йиллларда ТВда жиддий силжишлар сезилди. Улар кўрсатувларни турли-туман қилишга интилмоқдалар, қизиқарли томошабоп кўрсатувлар қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо шу билан бирга ҳали ТВнинг умумий савияси юқори эмас. Суюқ ва сийқа эшиттиришлар кўп. Айрим ҳолларда бачаналикка йўл қўйилади. Кўрсатиладиган баъзи сериаллар саёз. Тележурналистларимиз нечундир жимжимадор гапиришни русум қилиб олдилар. Бунинг устига гаплар сўнгсиз равишда такрорланаверади. Наҳотки, улар бундай қайтариқлар одамнинг энсасини қотириши мумкинлигини сезишмаса? «Мустақиллик», «Ватан», «Озодлик» каби тушунчалар ҳар бир одам учун муқаддас тушунчалардир. Одамлар бу тушунчаларни юракларининг турида гард юқтирмай асрайдилар. Ҳеч ким бу лар-бўлмасликка майдонга чиқиб, «Мен Ватанни севаман, кўриб қўйинглар!» деб жар солмайди. Одатда Ватан севгиси сўзда эмас, ишда ифодаланади. Бу тушунчаларни қанча ноўрин ишлатсак, шунча сийқалаша боради.

Халқнинг маънавий ҳаёти ҳеч қачон ўз қобиғига ўралиб олиб, дунёдан ажралган ҳолда яшай олмайди. Юксак маданият, юксак маънавият ҳамиша бағри очиқлиги билан ажралиб туради. У дунёдаги ҳамма халқларнинг маънавият бобидаги ютуқларидан озиқланади. Узаро ўрганиш, узаро ҳамкорлик маънавий камолотнинг энг зарур шартларидан биридир. Узбек халқининг маданияти ва маърифати бутун тарихи давомида бағри кенглиги ва очиқлиги билан тилларга тушган. У ўзлигини йўқотмаган ҳолда олис ва яқин халқларнинг тажрибасидан баҳра олиб келмоқда. Мустақиллик йўлига қадам қўйганимиздан кейин узбеклар бугун тобора комил ишонч билан жаҳон ҳамдустлигига кириб бормоқдалар. Бундай шароитда биз дунёга нафақат табиат бойликларимизни, иқтисодий ютуқларимизни намоён қилмоғимиз керак. Балки, маънавий бойликларимиз, тарихий бойликларимиз, маданиятимиз, адабиётимиз ютуқларини ҳам кўрсата билмоғимиз зарур. Айни чоғда жаҳоннинг маънавий адабий ҳаётидан ҳам доимо хабардор бўлиб туриш ҳам қарз, ҳам фарз. Шунинг учун бир вақтлар дуруттина иш бошлаган таржима маркази тикланса ва «Жаҳон адабиёти» деган бир журнал нашр этила бошланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов доимий равишда маънавият ва маданият ишига ғамхўрлик қилиб келмоқда. У кишининг севиб такрорлайдиган бир гаплари бор: «Маънавиятсиз келажагимиз йўқ!» Шундоқ экан, ишончим комилки, бу борадаги ҳар қандай муаммо ҳал бўлади ва халқимиз узининг меҳнаткашлиги, қаноат ва бардошли билангина эмас, маънавият ва маърифат соҳасидаги янги ютуқлари билан ҳам ҳали жаҳонни кўп қойил қолдиради.

Эркин АЪЗАМ

ЮКСАК ПОҒОНА

Уқиган-эшитганлар билади: Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Олий Мажлисининг кечаги анжуманидаги маърузасида инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқи, инсонпарварлик ғоялари моҳиятан бош мавзу бўлди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарлари ҳамда бошқаруви аъзолари билан бўлган учрашувда бу мавзу давом эттирилди, янада теран мазмун олди. «Кечаги тузумда инсон ўзини, ўзлигини четга суриб, фақат давлат учун хизмат қилмоққа, керак бўлса, жонини фидо этмоққа мажбур эди, — деди Президент. — Ваҳоланки, инсон ҳаёти, унинг ҳақ-ҳуқуқлари учун давлат масъул бўлмоғи лозим».

Ёдингиздадир, «Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун!» деган жарангдор шиор бўларди. Яхши шиор эди, ҳаётбахш шиор эди, лекин шиор эди, холос — амалий ифодасини топаман деган одам сарсон бўларди. Аслида ҳамма нарса, инсону унинг бор ҳаёти ҳам «винтчик посбони» деб жар солинган, яккаш танкаю ракета ясашга моҳир «бепоён ватан»нинг ҳарбий қудратини баттар юксалтиришга, манманлик сиёсатини оламга ёйишга сафарбар этилган эди. Инсон ана шу дажжол сиёсатнинг бирги на «винтча»си эди, холос. Боз устига шу биланоқ ифтихор этмоғи талаб қилинарди. Айтинг, «винтча»да кўнгил бўлиши мумкинми? «Винтча»да ғурур бўлиши мумкинми? Мумкиндир, аммо миллий ғурур бўлмаслиги, инсоний кўнгил бўлмаслиги маъқул кўриларди. Бўлса, у ҳам «энг инсонпарвар жамият» аталмиш ўша монстр — даҳшатли аждоҳога қурбон бўлмоққа маҳкум эди.

Биз бугун мавҳум халқ оммаси ҳақида эмас, мангу меҳнаткаш йўқсиллар ҳақида эмас, тайин бир инсон, унинг ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқлари, кўнгил олами — маънавияти хусусида ўйлай бошладик, қайғура бошладик. Давлат миқёсида! Негаки, Ватан — ўзимизники, давлат — ўзимизники, мулк — ўзимизники, ғурур ва шараф - ўзимизники! Демак, ҳар қанча ғамхўрлик қилсак, мурувват этсак арзийди — бари ўзимизда қолади.

«Ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқлари, интилишлари муқаддасдир. Инсоннинг шаъни, эътибори ҳамма нарсадан улуғ, ҳамма нарсадан устун бўлмоғи керак».

Бу сўзларни давлат раҳбарининг лафзидан эшитмоқ нақадар ёқимли, ғурурбахш! Кўнгилга қувват бағишлайди, руҳ бағишлайди. Эртанги қунга комил ишонч уйғотади кишида.

Тенгсиз тарихимиз, музаффар, аллома боболаримиз билан фахрланиш негизида миллий ғурурни юксалтириш асосида миллий манманликка берилиб кетиш хавфидан огоҳлантирди. Президент: «Агар биз миллатимизни бошқа миллатлардан устун қўядиган бўлсак, қаттиқ хато қилган бўламиз. Миллатнинг катта-кичиги йўқ бу дунёда».

Дарҳақиқат, инсоннинг қайси миллатга мансублиги, қайси тупроқнинг фарзанди эканлиги ўзининг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас, тақдирнинг ёзиги, насибаси. Аммо унинг қандай одамлиги, маънавий-инсоний савияси ўзининг қўлида. Кишига муносабатда, унга баҳо берганда, аввало ана шу жиҳатига қарамоқ керак. Асосий мезон шу бўлмоғи даркор.

Бу масалада айниқса ёш, тажрибасиз қунгилларни жунбушга келтирадиган усуллардан эҳтиёт зарур. Бу ҳол нималарга олиб келиши мумкинлигини биз узоқ-яқиндаги ғайриинсоний можароларда кўп кўрдик. Яна такрорлаймиз: «Ўз кучи ва келажагига ишонган миллатнинг бағри кенг бўлади». Шунда дунёда бизга ҳавас қиладиган халқлар, миллатлар кўпаяди. Ана шунга интилмоғимиз даркор. Юксак маърифатли, маънавиятли кишилар жамиятдагина бунга эришиш мумкин.

Иқтисодиёт бошқа, маънавият бошқа дегувчилар хато қилади. Бу икки соҳанинг ўртасига девор қўймоқ густоҳликдан далолатдир. Бу икки жиҳат — Инсоннинг қўш қаноти. Бамисоли жон билан жасад. Бир-бирисиз мукаммал вужуд қарор топа олмайди. Маънавият — инсонни ҳайвондан фарқлаб турадиган олий қадрият. У - инсоннинг инсонийлигидир. Бинобарин, инсон ҳаёти — маънавиятнинг бош масаласи. Иқтисодий жабҳадаги ютуқларни, моддий дунё ашёларини санаш, ўлчаш, тарозига солиб кўриш мумкин. Лекин маънавий даражанинг ўлчови йўқ. Фақат, у юксалиптими ёки инқирозга юз тутяптими шуни сезиш мумкин, ҳис этиш мумкин. Тушкун ҳолатнинг олдини олса бўлади, аммо уни ростлаш, юксалтириш осон иш эмас. Шундай экан, бозорга тушиб ўнгайгина тирикчилик қилмоқ пайидан бўлмай, бу ҳаётий муҳим соҳанинг оғир заҳматини зиммасига олиб, муқаддас мақсадлар йўлида тер тукаётган маънавият жонкуярларини чинакам фидойилар сифатида ҳар қанча эъзозласак арзийди. Бу иш, бу соҳа фақат уларнинг вазифаси бўлиб қолмай, бутун жамиятимизнинг, аввало, каттаю-кичик раҳбарларнинг ҳаётий эҳтиёжига айланмоғи зарур.

Мамлакатимиз раҳбари билан суҳбатда илгари сурилган мазкур фикрлар маънавиятимизни янги босқичга кўтаришда муҳим поғона бўлиши шубҳасиз. Инсонпарвар, демократик давлат қурмоққа бел боғлаган жамиятимиз ҳаётидаги катта поғона!

МУСТАҚИЛЛИК КЎРГАЗМАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмасининг Марказий кўргазмалар залида республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган санъат асарларининг навбатдаги кўргазмаси очилди. Унда асарлари билан қатнашаётган мусаввирлар халқимизнинг беш йил давомида эришган ютуқлари, орзу-ўйлари, кечинмаларини ранг-гин бўёқларда ифода этганлар. Турли авлод мусаввирларининг асарларидан иборат бу кўргазмада Ўзбекистоннинг ғўзал табиати, меҳнатсевар халқининг бунёдкорлиги улуғланади. Рассомлардан А. Мирзаев, А. Нуриддинов, Р. Чориев, У. Қосимов ва бошқа яна кўплаб ижодкорларнинг асарлари кўргазмага келувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, бу ерда ҳайкалтарошлик намуналари, халқ амалий санъатининг кулолчилик, наққошлик ва каштачилик турлари ҳам муносиб намойиш этилмоқда.

С. ИЛҲОМОВА

БАЛЛИ, ТАҲРИРИЯТ!

«Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталарининг бир гуруҳ ходимлари Мустақиллик байрами арафасида ҳайдовчилик гувоҳномалари олишди.

Гап шундаки, таҳририят вилоят автомобил ўқув ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида таҳсил кўрган ҳар бир ходими учун 8 — 12 минг сўм пул ўтказиб берди. Бундай гамхўрликлар талайгина. Бу йил пишиқчилик мавсумида таҳририят ходимларини «Соҳибкор» жамоа хўжалиги 50 фоиз арзон нархда мева-сабзавот ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлади.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги шарофати билан газетачиларнинг оила аъзолари Туркистонга Аҳмад Яссавий зиёратига бориб келишди. Бундан ташқари, ходимларни хорижий мамлакатларга юборишга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда.

Хўжалик ҳисобида иш юритиш юқоридаги каби имкониятларни яратяпти.

В. ТУРДИБОЕВА

ИЛМ-ЎЗНИ БИЛМАКДИР

«ЎЗИНГНИ ИЛМ БИРЛА БЕЗАТ ҲАР МАҲАЛ...»

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош САИДЖОНОВ билан суҳбат

— Йўлдош Саъдуллаевич, ўзингиздан қолар гап йўқ, вақт деганлари нисбий тушунча, ҳаёт эса абадий. Демоқчи бўлганим, биз Истиқлолга эришганимиздан буён кечган беш йил аслида тарих аталмиш одил ҳакам олдида киприк қоққудек бир лаҳзага тенг, лекин у одамзот учун, муайян бир тузум ёки соҳа учун нималарнидир сарҳисоб қилиш мумкин бўлган катта муддатдир. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, ортда қолган сўнгги беш йиллик мустақил Ўзбекистон учун омадли келди, жумҳуриятимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маънавий жабҳаларда катта ютуқларни қўлга киритди. Ҳали ёш эса-да, дунёга истиқболи ёркин давлат сифатида танилди. Ўзига хос жадал юксалиш одимлари бошқа ўнлаб тармоқ-соҳалар қатори халқ таълими тизимида ҳам ўз ифодасини топди. Биз ёш авлодга таълим-тарбия беришдек улуғ ва шарафли ишда бошқалар ҳавас қилса арзийдиган натижаларга эриша бошладик. Хўш, бу муваффақиятларнинг бош омили нимада? Эндигина мустақиллик йўлини тутган Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишдек мураккаб бир шароитда халқ таълими тизимини қандай қилиб инқироз ва талофатлардан сақлаб қола билди?

— Жаҳон халқлари тажрибасида кўп бор синовдан ўтган азалий бир чўнг ҳақиқат барчамизга маълум: ҳар қандай жамиятни ҳам вақти-соати келиб ёш авлод бошқаради. Улар бу вазифани нечоғли муваффақиятли уддалашлари, давлатни ва халқ хўжалигининг турли тармоқларини оқилона идора этишлари эса кўп жиҳатдан уларнинг болаликда қандай билим-тарбия олганликларига боғлиқ. Шу боис ўз тараққиётини ўйлаган миллатлар ва давлатлар, қанчалик мушкул ёки оғир бўлмасин, мудом ёшлар таълим-тарбиясини тўғри йўлга қўйишга интилганлар, провардида мақсадларига эришганлар ҳам.

Мен ҳар safар шу ҳақда ўйласам, тараққиёт босқичларини оддий нарвонга; гуллаб-яшнаган жамият қурилишини эса узоқни кўзлаб барпо этилган иморатга ўхшатаман. Зеро, ўзингиз холисона айтинг, сиз нарвоннинг юқори поғонасига, томга чиқиш учун нима қиласиз? Табиийки, биринчидан, қорингизга ярайдиган нарвонни пишиқ-пухта қилиб ясайсиз, сўнгра унинг энг қуйидаги биринчи пиллапоясига қадам қўясиз. Менинг назаримда, мустақиллик кишиликни таназзул ва манқуртлик ботқоғидан ўзлигини англайдиган жаҳон айвонига олиб чиқувчи нарвонга ўхшайди. Мактаб эса унинг илк поғонаси, таъбир жоиз бўлса, у миллий юксалиш йўлидаги дастлабки пиллапоядир, қолаверса, истиқбол сари интилаётган давлатнинг асоси— пойдеворидир. Қолганини ўзингиз биласиз, тагзамин нақадар пойдор, пишиқ-пухта бўлса, унинг устига тикланажак иморат ҳам шунчалик мустаҳкам, турли-туман табиий офатларга, ёғингарчиликлару бурон-довулларга чидамкор бўлади. Акс ҳолда, у давр синовларига дош беролмайди.

Ҳудога минг қатла шукрларким, ёш давлатимиз раҳбарияти ўз фаолиятининг илк дақиқалариданоқ ана шу оддий, аммо буюк ҳақиқатга амал қилди, бошқа соҳалар сингари халқ таълимига ҳам жиддий эътибор қаратди. Шу асно бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида уни тубдан ислоҳ қилиб, қайта ташкил этиш вазифасини ўртага қўйди. Бу борада айниқса юртбошимиз И. А. Каримов росмана жонбозлик ва ташаббускорлик кўрсатди. Ўз маърузаларида ва китобларида бизнинг ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган энг муҳим бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз юксак малакали ва юксак маънавиятли инсон эканлигини, бу гап аввало ёш авлодга тааллуқлилигини таъкидлади. Келажаги буюк давлат биринчи навбатда бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоғи шартлигини бот-бот уқтирди. Натижада ҳаял ўтмай — 1992 йили Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни яратилди. Кейинчалик шу асосда халқ таълимини ривожлантириб, жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтаришга, педагог ходимларни ва ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама қуллаб-қувватлашга йўналтирилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди, соҳага даҳлдор Низомлар, концепциялар, кенг қамровли дастурлар тасдиқланди. Ёшларни комил инсонлар қилиб вояга етказишга қўмаклашувчи «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Камолот» сингари жамғармалар ташкил этилди. Бу жараёнда битта ақидага, президентимиз айтмоқчи, «Янгисини қурмай туриб, эскисини бузманг» деган нақлга қатъий риоя қилинди. Аниқроги, биз халқ таълими тизимини қайта ташкил этишда собиқ иттифоқ даврида қарор топган анъаналардан бирварақайига, кўр-кўрона воз кечмадик, аксинча, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, яхшиларни имкон қадар сақлаб қолдик.Айни чоғда, уларни миллий, шарқона ва умуминсоний қадриятлар, илғор мамлакатлар тажрибалари негизида янада бойитиб, ҳаётга тадбиқ этдик. Шунга кўра, қисқа давр ичида ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг энг замонавий ва самарали усулларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.Янгича умумтаълим муассасалари — гимназиялар, лицейлар, халқаро мактаблар, бизнес мактаблар, боғча-мактаблар, оилавий боғчалар очилди. Янги дарслик ва қўлланмалар яратилди. Мактаблар компьютерлар ва бошқа техник ўқув жиҳозлари билан таъминлана бошланди. Иқтидорли ўқувчиларни таълим олиш учун хорижга юбориш, чет давлатлар билан узаро тажриба алмашувлар анъанага айланди. Фақат Туркия Республикаси билан 21 та ҳозирги замон талабига жавоб берадиган ҳамкорлик лицейлари Узбекистонда ишлаб турибди. Муҳими шундаки, халқ таълими тизимидаги мавжуд муаммоларни биз узгаларнинг ёрдамисиз, ўз кучимиз билан бартараф этишга киришдик. Бунинг учун жумҳуриятимизда барча зарур имкониятлар етарли экан.Энг асосийси, ҳақиқий жонкуяр ўз ишига садоқатли ўқитувчиларимиз бор. Шу боис ҳозирга келиб таълим соҳасидаги ютуқ-муваффақиятларимизни чет мамлакатлар ҳам рўй-рост эътироф этмоқдалар, Узбекистоннинг келажаги ростданам буюк бўлишига ишонч билдирмоқдалар. Булар бизга Истиқлол берган катта имкониятдан, бебаҳо неъматдан бир нишонадир.

— Боя сиз мактабни тараққиёт иморатининг тагзамини дедингиз. Мен эса ана шу тагзамин асосчиларидан бири — ўқитувчини ўзимча гоҳо зукко меъморга, гоҳо қўли қадоқ бободеҳқонга менгзайман. Бинобарин, уларнинг учаласи ҳам том маънода яратувчи-бунёдкор, учала касбнинг ҳам ўзига яраша ташвиш-машаққатлари бор. Бироқ меъмор бино деворини билмай эгри кўтариб қўйса, бузиб қайтадан тиклаши, деҳқон бир гал экинни ёмон парваришлаб, кам ҳосил олса, келаси safар хатосини тўғрилаши мумкин. Муаллим-чи? Очиғи, унинг меҳнати маҳсули дарҳол кўзга ташланмайди, орадан 15-20 йил ўтгач — шогирдлари мактабни, ҳунар билим юрти ёки олий ўқув даргоҳини битириб, бирор жойга ишга кирганларидан сўнгтина юзага чиқади. Бундай вазиятда улар мактабда яхши ўқиган бўлсалар-ку, хўп-хўп, ҳаётда ўз ўринларини топиб олиб, эл-юртга нафлари тегар. Бор-ди-ю, тескариси бўлса-чи?..

— Гапингизнинг даромадини тушундим. Мактабни амал-тақал қилиб тугатган боланинг билимсизлиги жабрини танҳо унинг ўзигина эмас, охир-оқибат бутун жамият тортади, шу сабабли муаллим ёш авлоднинг келажаги учун ҳам масъулдир, демоқчисиз, чамамда. Агар шундай фикрда бўлсангиз, юз карра ҳақсиз. Ўғил-қизларимиз ҳар томонлама етук бўлишлари учун аввало сабоқ берадиган фанининг ҳақиқий билимдони ҳисобланмиш ўқитувчи-мутахассислар тайёрлашимиз керак. Бундан ташқари, уларга узлуксиз ўз устиларида ишлаб, малака ва касб маҳоратларини ошириб боришлари учун зарур шарт-шароитлар, қулайликлар яратиб бериш, шу билан бирга, заҳматли меҳнатларини вақтида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ўта муҳим. Жумҳуриятимиз раҳбарияти шуларни ҳисобга олиб, эндиликда ўқитувчиларга ғамхўрликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирди. Жумладан, уларга турар-жой қуриш учун ер майдонлари ажратишда, коммунал хизмат ва электр энергияси ҳақини тўлашда, жамоат транспортидан фойдаланишда маълум имтиёзлар белгиланди. Кўп жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусий корхоналар томонидан муаллимларга қўшимча маош бериш йўлга қўйилди. Энг фидойи, тажрибали ва изланувчан устозлар меҳнати «Узбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Узбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан халқ таълими ходими» унвонлари, «Соғлом авлод учун» ордени каби ҳукумат мукофотлари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг «Узбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси», «Ижодкор ўқитувчи» кўкрак нишонлари билан тақдирланмоқда.Илғор педагоглар ва тарбиячиларни, ибратли таълим-тарбия масканларини аниқлаш, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида мунтазам равишда туманшаҳарлар, вилоятлар ва жумҳурият миқёсида «Йил ўқитувчиси», «Йил мактаби», «Йил тўгараги раҳбари» сингари кўрик-танловлар ўтказилмоқда, ижодкор муаллимлар анжуманлари уюштирилмоқда. Шунингдек, ҳозир халқ таълими ходимлари малакасини оширувчи ва қайта тайёрловчи иккита марказий, 14 та вилоят институти ишлаб турибди. Вазирлигимиз тасарруфидаги 6 та педагогика институтида ва 36 та педагогика билим юртида ҳар йили юзлаб ёшлар устозлик сир-асрорларини ўрганмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, мавжуд имкониятлар, яратиб берилган қулайлик ва имтиёзларнинг барчаси педагогларимиз касб маҳоратларини мустаҳкамлашга, ёшларга пухта билим беришга хизмат қилмоқда.

— Булар-ку, яхши! Мактабнинг, ўқитувчининг бош вазифаси таълим-тарбия бериш. Лекин биз кўпинча ўқитувчининг зиммасига унга алоқаси бўлмаган вазифаларни ҳам юклаб қўймаяпмизми? Айтайлик, мактаб ошхонасида тайёрланаётган таомлар сифатсиз бўлса ёки етишмаса, синфхоналарда электр ва иссиқлик тармоғи яхши ишламаса, болаларнинг соғлиғи ёмонлашса, ким айбдор — директор! Бола уйида дарс тайёрламаса, кўча-куйда ким биландир жанжаллашса ёки ўғирлик қилса, ҳатто унинг ота-онаси ножўя йўлга кириб кетса ҳам ким жавобгар —ўқитувчи! Ҳолбуки, у шусиз ҳам ота-оналар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиши, ўқувчиларни турли байрам-тадбирларга тайёрлаши, яна қанчадан-қанча жамоат топшириқларини бажариши ҳам керак. Ортиқча юмуш-ташвишлар ўқитувчини ҳоритиб, асосий вазифаси — дарсларга тайёрланиш ва болаларга сабоқ беришдан чалғитмайдими?

— Бу фикрингизга қўшилиш қийин. Тўғри, ўқитувчилар, мактаблар ва билим юртлари директорлари ҳақида бошқа ишларга ҳам жалб этиладилар. Бироқ мактаб — ўқув-тарбия муассасаси. Шундай экан, биз жамоатчилик, ота-оналар билан ҳамкорликда бундай ножўя ишларнинг олдини олишга яқиндан туриб ҳаракат қилмоғимиз зарур, деб биламан. Шу боис биз кейинги вақтларда муаллимларни «ортиқча юк»лардан халос этиш чора-тадбирларини излаяпмиз. Чунончи, «Мактаб — оила—маҳалла» концепцияси ишлаб чиқдик. Унда ўқувчиларнинг одоб-ахлоқини, кийиниш ва муомала маданиятини янада яхшилашга, билимини оширишга, ўсмирлар ўртасидаги қонунбузарликларнинг олдини олишига, ёшларни келажак турмушга тайёрлашга доир кўплаб масалалар қамраб олинган. Бу вазифаларни ота-оналар, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан биргаликда рўёбга чиқариш, ўқитувчига кўмаклашиш кўзда тутилган. Негаки, ёш авлод таълим-тарбияси келажакка дахлдор масала, демакки, ҳар биримизнинг — ҳаммамизнинг муқаддас ишимиз!

— Дунёдаги жамики китоблар орасида дарсликлар алоҳида ажралиб туради. уларни она китоблар десак, муболаға бўлмас. Сабаби, ўқув адабиётлари, биринчидан, ёшларни илмлар дунёсига олиб кирувчи муҳим омил бўлса, иккинчидан, ҳар бир миллат ва давлатнинг юзини кўрсатувчи бебаҳо бойлик, улкан мерос ҳисобланади. Афсуски, яқин-яқингача бизнинг мактабларимизда фойдаланилаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва қўшимча адабиётлар асосан коммунистик мафкура ғоялари билан йўғрилган, миллийлигимиздан йироқ, таржима асарлардан иборат эди. Боз устига, ўқувчиларни зарур миқдордаги дарслик китоблар билан таъминлаш узоқ йиллардан буён кўнгилдагидек эмасди. Бу муаммо айниқса СССР тарқаб, қардош жумҳуриятлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар бирмунча издан чиққач, қоғоз танқислиги туфайли, янада мураккаблашди. Эндиликда ушбу долзарб масала қандай ҳал этилмоқда?

— Муаммолар кўп, лекин, умуман олганда, ёмон эмас. Биз биринчи навбатда ўз миллий шароитимизга, руҳиятимизга мос янги дарсликлар яратишга ҳаракат қилдик. Бу хайрли ишни адо этишда Узбекистон Фанлар академияси, Узекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, тегишли олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг олим-мутахассислари, мактабларнинг тажрибали ўқитувчилари ёрдамига таяндик. Жумҳурият Таълим маркази қошида махсус ўқув-методика кенгашлари туздик. Сайъ-ҳаракатларимиз зое кетмади. Беш йил ичида барча асосий фанлар бўйича оригинал дарсликлар ёзилди ёки эскилари қайта кўриб чиқилди. Чунончи, Узбекистон тарихи, она тили ва адабиёт, математика фанлари бўйича мутлақо янги, мустақиллик ва миллийлик руҳида ёзилган дарсликлар пайдо бўлди. Энг муҳими, жумҳуриятимизда биринчи бор узлуксиз «Узбекитон тарихи» концепцияси яратилди. Унда мактаблардан то олий ўқув юртларигача бўлган доирада ўз тарихимиз қандай ўқитилиши лозимлиги мазмунан белгилаб берилди.

Утган йили яна бир катта ишга қўл урилди. Жумҳурият миқёсида ягона таянч ўқув режаси қабул қилинди. Бу нима дегани? Маълумки, шаҳар-қишлоқларимиздаги жамики мактабларда 28 та фан ўқитилади, таълим-тарбия ишлари эса аоссан ўзбек, рус, қозоқ, қиргиз, тожик, қорақалпоқ, туркман тилларида, қисман араб, урду, ҳинд тилларида олиб борилади. Авваллари ўзбек, рус, қорақалпоқ мактабларини истисно қилганда, бошқа мактаблар ўқувчилари Тожикистонда, Қозоғистонда, Туркманистонда, Қиргизистонда қабул қилинган ўқув режалари ва яратилган дарсликлар асосида сабоқ оладилар. Чунки бу ўқув адабиётларини ўзимизда яратиб, чоп этиш йўлга қўйилмаганди. Оқибатда жумҳуриятимизда яшовчи айрим бошқа миллатлар фарзандлари Узбекистоннинг эмас, балки дарслик қайси жумҳуриятда чиқарилган бўлса, ўша жойнинг тарихини, адабиётини, жўғрофиясини, табиатини ўрганардилар. Келгусида бундай ғайритабиий ҳолларга барҳам берилади. Барча мактабларда, уларда таълим-тарбия қайси тилда олиб борилишидан қатъий назар, ягона дастур ва дарсликлар асосида ўқитиш йўлга қўйилади. Шунга кўра, ҳозир биз ўзимизда яратилган янги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини 7 тилла тайёрлашни бошлаб юборганмиз. Айни чоғда, китобларнинг аввалгига нисбатан пишиқ-пухта, чиройли безатилган муқоваларда, бир неча йиллар тутилганда ҳам йиртилмайдиган, титилмайдиган даражада сифатли чоп этилишига алоҳида аҳамият берямиз. Бу борада бизга «Ўқитувчи», «Узбекистон», «Фан» нашриётлари, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни яқиндан ёрдам берянти. Биз ҳар йили 70—75 номда, 35—40 миллион нусхадаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўз вақтида оляпмиз. Шу тариқа мавжуд 9245 та мактабда ўқиётган 5 миллион 200 минг ўқувчи дарсликлар билан давлат томонидан тўлиқ бепул таъминланмоқда. Шунингдек, 10 мингта болалар боғчасига, 1000 га яқин мактабдан ташқари ўқув муассасаларига, 460 та ҳунар, 36 та педагогика билим юртига

ЧОРШАМЪ

ОЧИЛСА СЎЗ СЕВИЛМОҚДИН...



* * *

Қўйингизда қуйганим, эй моҳ, билсангиз эди,
Сизни силқаб суйганим гоҳ-гоҳ билсангиз эди.
Дилдаги ҳижрон ғами ортгай, нетай тонг палласи
Булбули бечораман, э, воҳ, билсангиз эди.
Лаҳза тин олгай эдим келсак чаманда рўбарў
Ҳар тасодифлар ила ногоҳ билсангиз эди.
Ошиқ аҳли кўнглини маъшуқи олса не ажаб,
Бу кичик қулбам азиз даргоҳ билсангиз эди.
То бино бўлмай туриб Чоршамъ дилига то абад
Ишқ ўтин солган ўзи Оллоҳ билсангиз эди.

* * *

Юрак яйрар эди аввал очилса сўз севилмоқдин,
Бугун қуршаб ётибдур, оҳ юракни муз севилмоқдин.
Жону жисмимга ўрлайди фироқ доғи, шифоат йўқ,
Яро бўлмиш, қаро бўлмиш ёруғ бу юз севилмоқдин.
Севишганлар сабоҳида менам бордай эдим, дўстлар,
Чиқиб тонглар тополмасман бирор бир из севилмоқдин.
Ўзимни чўғга урмоққа шижоат топганим онлар
Манга ишқ аҳли дод айлар: «Кўнгилни уз севилмоқдин».
Умр гулзорида эрдим, ҳажр мозориға келдим
Адо бўлганга ўхшайман, юмолмай кўз севилмоқдин.
Мени деб йиғлама, эй, тун дилимда бор экан бир ун
Мунаввар бўлғуси бир кун, бо Чоршамъ Рўз севилмоқдин.

* * *

Ишқ етишмайдир биза — Аллоҳга ишқ Аллоҳга ишқ,
Руҳни пок тутмак учун тақвога ишқ, тақвога ишқ.
Кўз очиб кўрганданоқ банд этмади шул иштиёқ,
Орага солди нифоқ руёга ишқ, руёга ишқ.
Мен у ишқ водийсига бир кун бориб етгумми, ҳей,
Тенг умр ярми туйиб дунёга ишқ, дунёга ишқ.
Ишқ йўлида жон фидо қилган жамиъ зотларни сен
Бирма-бир айла дуо — уқбога1 ишқ, уқбога ишқ.
Гар шаҳид кетсанг бу йўл поёнида кўнгилга туг
Лайли, Мажнун, Тоҳиру Зуҳрога ишқ, Зуҳрога ишқ.
Жону жаҳондин кечиб суймакки имконингда бор
Қўйгил ул ҳуру малак сиймога ишқ, сиймога ишқ.
Бир сўзим қолсин десанг назмингда сен сақла абад
Чоршамъ-эй, қалбингда бу хорога ишқ, хорога ишқ.

* * *

Қирқта ўрим сочли қизни
Кўриш амри маҳол бўлди.
Қайда ўшал сулувлар деб
Хаёлим бехаёл бўлди.
Жавобимни тополмасман
На қишлоғу шаҳарларда.
Кезиб кўрсам гузарларда
Баҳорим ҳам завол бўлди.
Тушимми ёки ўйимда
Кулиб тургай суманбарлар.
Қачон ўнгимда бўлғайлар
Дея минг бир савол бўлди.
Тақим ўпса зулфайн[2] ҳам
Очилгай бор жамолинг[1].
Кўрармиз деб висолингиз
Дилим ошифтаҳол бўлди.
Қулингиз бўлойин дерман,
Қулингизни хароб этманг.
Ки Чоршамъ умри ҳам зулфдай
Увол бўлди, увол бўлди.

1-охират, нариги дунё.
2-икки ўрим соч.

Алишер НАРЗУЛЛО

ДУНЁ КЎЗЛАРИДА СЕВИНЧ КЎРДИМ МЕН



Дунё кўзларида севинч кўрдим мен —
ғурабо дилларнинг саждагоҳлари...
Илтижо қилади тизлар қалтираб
тўкилиб боради бор гуноҳлари.
Қисирлаб синади мўрт суякларим
энг сўнгги кунимга қолмайди яраб —
Мен илк бор ташлайман бир енгил қадам
қалбнинг энг қоронғу бурчига қараб...

* * *

Тун чўқийди насибасини,
Кунлар қулаб тушади сойга,
Мен дардимни айтмоқчи бўлдим
ярим кеча чиқмаган ойга.
Юрагимга чанг солди ҳадик,
Юлдузларни кўк ёна еди.
Бу сўлим тун катта шаҳарда
ой ҳам менга бегона эди...

БУХОРО. «КАСРИ ОРИФОН»

Бир қадимий оҳанглар оқди,
Томирларда потирлади жон.
Ғариб гўша кўнглимни ёқди,
Кўзларимда ёнди ҳаяжон.
Осмонларга яқин ул макон
қошида мен ел бўлиб елдим.
Шивирладим: Аллоҳга шукр!
Излаб-излаб охири келдим.
Таъзим қилдим қабр қошида,
Жим ўзимни сизлай бошладим.
Дунё нима?
Тириклик нима?..
тупроқдан мен излай бошладим...

* * *

Ёришади куннинг юзлари
чўққиларга тўкилар ёғду.
Олисларда қадрдон қишлоқ —
Унутади энди мени у.
Сарғаяди бир тунда боғлар,
Ер бир кунда тўлади оҳга.
Мен миллион йил яшайман ҳали,
Йиқиламан миллионта чоҳга.
Ва бир саҳар осмоним булут,
Енга бошлар ғам талошлари —
Ёмғир ёғар, қадрдон қишлоқ
Тўка бошлар кўз ёшларини...

* * *

Тун, теракнинг сўнгги япроғи
учиб тушар шохдан ҳойна-ҳой,
Хотиралар тирилар қайтиб,
Сен адашиб келгин яна, ой.
Булоқ суви кўҳна дунёдан
ҳамон-ҳамон... қайга имиллар,
Сўқмоқлардан энди сувлармас
оқиб борар бевафо йиллар...
Ердан садо келар: — алвидо —
кўкдай мовий тиниқ осмоним...
Менга содиқ қолади фақат
чиқмай қолган бир парча жоним.

Китобингизни ўқидуқ

ҲУР ФИКР ЭҲТИЁЖИ

«Ёзаётганингизда ҳеч ким халақит бермайдими? Йўқ, хотин, бола-чақа, қуни-қўшни эмас, ичингиздаги «ҳеч ким»ни айтяпман?»

Бир суҳбатга тайёргарлик кураётиб, ёзувчига шундай савол бермоқчи бўлдим. Кейин... одатдагидай, тўғри тушунармикан, деган ўйга бориб, бу саволни ўчириб ташладим. Эҳтиёткорлигим ўзимга таъсир қилди, аввал кулгим қистади: мендан олдин ичимдаги ўз ҳукмини ўтказган эди. Кейин ўйланиб қолдим... Гап истиҳолада эмас. Бу ҳолатимда ҳадиқдан кўра андиша кўпроқ эди. Бироқ андишанинг ёзганимга «муҳаррирлик» қилишида қандайдир иллат бордай...

Шу ҳолат сабаб бўлиб, воғга етишим— эркин фикрлаш лаҳзатига эга бўлишим ўзилиб кетаётгандай туюлди. Ақл қувват олар деб китобларни қўлга оламан, газета, журнал варақлайман...

... Ва менга шундай туюлади:

Бугунги ўзбек адабиёти ўзининг кечаги куни билан яшамаяптими? Адабий танқидда, асосан, 80- йиллар иккинчи ярмидан бошланган долзарб мавзу— қатағонга учраган адиблар, уларнинг ижодини шарафлаш давом этаётир. Ижод жараёнида бурун ман этилган мавзулар атрофида мусобақа авжида.

Биз Истиқлолни байрам қилаяпмиз ва бунга тўла ҳақлимиз. Истиқлол узоқ йиллар орзу қилинган ижтимоий-сиёсий масалани ҳал этди: Ватан озод бўлди ва Байрам, тантаналар қонунийдир. Бироқ Истиқлол ижтимоийлашган бадиий тафаккурга ҳам ислоҳ киритди, ўзбек адибларининг миллатпарвар қисми қарийб бир ярим аср курашган Ватан озодлиги руёбга чиқди; бу улкан саодатнинг собиқ шўролар замонида «тутқунликда гуллаб-яшнаган» адабиётга таъсири сезилди.

Буни яқинда бир шеърни ўқиганда яна кузатдим. Тажрибали шоирнинг бу шеърида бадиий нуқсонлар йўқ ҳисоби, бироқ унинг шўролар даври ижодига хос бўлган хусусият — сатрларидаги шиддат, эҳтирос суст, гўё ўқини бўшатган ёйнинг ҳолатидай. Кейин ўша шоирнинг янги туркуми чиқди... Назаримда, унинг турли адабий-бадиий воситаларга маҳорат билан сингдирадиган ғояси, умуман, ижодининг бош мавзуи энди ҳовучдаги сувдай қўлида турмасди. Бу ижодкорнинг фожиаси эмасдир, бироқ унинг адабий инқирози, дейиш мумкин. Бу шоирнинг хатоси эмасдир, балки уни ўтмиш меросдан ва янги даврдан ҳаҳон маданияти ҳазоаларидан узиб қўйган машъум коммунистик мафкуранинг асоратидир. Бугунги адабий сарҳисобларнинг хулосаси мустамлака йиллари ўзбек адабиётининг бош ғояси ва етакчи мавзуи— Ватан озодлиги эканини тасдиқлаяпти. Адабиёт бу даврда коммунистик идеологияга қасдма-қасд тараққийпарвар ғояларни ҳимоя қилди, миллатпарварликни тарғиб этди ва ҳукмрон мафкурага қарши ўзи норасмий мафкура сифатида майдонга чиқди. Бу давр адабиётининг прогрессив оқими бадиий ижодни ижтимоий-сиёсий курашнинг долзарб жабҳасига бурди.

Мен шеъри ҳақида юқорида гапирган шоирнинг бугунги ҳолатини ўзимча тушунгандайман. Унинг кураш жабҳасида юрган йиллари яратган шеърларини ҳаяжонсиз ўқий олмайман. Бу каби ижодкорларнинг чинакам ватанпарварлигига шубҳа қилиш гуноҳ. Ва аминман, қатол тузум билан тенгсиз жангга кирган улуғ адибларимиз ижодлари ўзбек адабиётида Ватан озодлиги мафкурасининг энг ёрқин саҳифаси бўлиб қолди.

Ўша шоир ҳолатида мен тағин бугунги кунда адабиётимиз кечираётган мавзу инқирозини ҳам кўраман. Назаримда, ҳозирги ижодий жараён яқин ўтмиш адабий ҳаётининг таъсири остида. Одатга кўра, беихтиёр «собиқ душманларни фош этиш», уларнинг ўша даврдаги қилмишларидан сюжет чизиқларини топиш каби уринишлар менга шаҳдам қадамлар ташлаб ўтган чинакам аскарлар сафи ортида бораётган ҳавасманд усмирларнинг ҳаракатларини эслатади. Ҳа, Чўлпонлар ўзларининг Адабиётини яратиб — Ўзларининг Сўзини айтиб ўтдилар. Улар келгуси авлодларнинг ҳам шон-шарафларига лойиқдирлар.

Бугун давр ўзгача, адабиётга қараш эса жаҳон миқёсида аллақачон ўзгариб кетган. Озодликнинг адабиётга юклайдиган масъулиятини ҳис қилиш гали келди. Ижтимоий адолат муаммосини ижобий ва салбий қаҳрамон туқнашишларига қурилган воқеалар ёки хорижлик бирор-бир тутқин шахс номидан ёзилган монолог-шеър билан баён қилиш одатлари эскирганига кўп бўлди. Ижодкор-зиёлига, миллатнинг пешқадам вакили сифатида, умумий ашулага нақорат ёзиш эмас, ўзининг гапини айтиш талаби қўйилаётир. Бу эса одатдан ташқари, қуникмага зид ҳодиса. Жуда катта салоҳият талаб этадиган воқелик. Бироқ у шунга интилишга, яъни ижод ҳақида, адабиёт ҳақида, ҳаёт, мавжудлик ҳақида, инсон, ўтган ва келаётган кунлар ҳақида ўзининг консепсиясига эга бўлишга маҳкум. Бадиий тафаккур бундан бошқача йўсиндаги тараққиёт йўлини тан олмайди.

Истиқлол эркин фикрлаш имкониятини берди. Бироқ менга, масалан, ўзимнинг «Адабий манифест»имни ёзиб, эълон қилишга нима ҳалақит беради? Ёки ўзининг муайян бадиий-эстетик консепсиясига эга бўлган бирор адабий гуруҳ ёки оқимнинг юзага келишига тўсиқ борми? Гап менда «адабий манифест» ёзган салоҳиятининг ёки бизда адабий оқим даражасига кўтарила оладиган бадиий-эстетик консепсиясига эга ижодкорлар гуруҳининг шаклланмаганида эмасмикан?

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Бундай маданий ҳодисаларнинг юз бериши, адабий ҳаётдан озми-кўпми хабардор мухбир сифатида, мен учун чинакам тасодиф бўларди. Бироқ ўзингизга аён, ҳар қандай тасодифлар тагида чўнг қонуниятлар ётади. Ижодий зиёли онгидаги яқин ўтган давр психологияси, фикрлаш тарзимиздаги инертсия адабиётнинг, умуман, маънавиятнинг асосларини юзага келтиришга ҳали кўп халал беради.

Илғор мамлакатлар маданиятининг илгарилаб кетишида ҳур фикрли зиёлиларнинг баъзан якка, баъзида гуруҳга бирикиб, ўзларининг шахсий қарашларини ошкора айтиб чиқишлари ҳал қилувчи аҳамият касб этгани маълум. Бу мамлакатлар маданияти тарихида бундай ҳур фикрли кишилар хизмати юксак қадрланиб тилга олинади. Турли-туман манифестлар, гуруҳлар, оқимларнинг юзага келгани ва ошкора фаолият кўрсатгани ҳозирги замон Ғарб адабиёти ва санъатида ҳайратланарли натижалар бергани сир эмас.

Шарқда IX-XVI асрда пайдо бўлган ўнлаб фалсафий-диний оқимларнинг номлари ҳам уларнинг алоҳида шахсларнинг ирода-си билан шаклланганини кўрсатади. Араб халифалиги тугаб, унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил феодал давлатларда, жумладан, Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатларда, ҳатто дунё фанларига асос солган алломалар фаолиятлари ҳам бунга далил.

Бизнинг яқин ўтмиш давридаги фожиамиз ана шу икки дарёдан узиб ташланганимизда. Ҳур фикрлашга одатлана олмаётганимиз ўшанда узилган томирларнинг жароҳати туфайли. Истиқлол бизнинг онгимизни, турмушимизни тарихимизга улай бошлади. Бу жараёндан келадиган ҳикматларнинг баҳоси йўқ. Иккинчи томондан эса биз жаҳоннинг илғор маданияти анъаналарида ҳаққимизни таний бошладик. Тарих ҳақиқатига келишнинг бу йўлини бизга ҳур фикрга эҳтиёжнинг ўзи очди.

Аҳмад ОТАБОЙ

«АНГЛАҒИЛ НАЙ НЕ ҲИКОЯТЛАР ҚИЛУР...»

«Мабдаи нур» ҳақида

Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Исматуллоҳ ҳожи Абдуллоҳ кейинги йилларда самарали ижод намунасини кўрсатиб келмоқда. Беш-ун йил ичида у Х асрда яшаб ижод этган тазкиранавис, олим ва шоир Саолибийнинг иккита катта асарини бирин-кетин нашрдан чиқарди. 1994 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида унинг яна бир китоби — Машрабнинг «Мабдаи нур» маснавийси чоп бўлди. Китобнинг масъул муҳаррири Маҳмуд Ҳасаний.

Китоб тайёрлаш — машақатли иш, ҳозирги кунимизда тайёр китобни нашр қилиш ундан-да мушкул. Аммо жамиятимизда маънавиятга эътибор, илмпарвар инсонлар бор экан, энг мураккаб чигаллар ҳам уларнинг ёрдами билан ечилажагига умид мавжуд. Буни ушбу китоб мисолида ҳам кўриб турибмиз. Зеро, нашр Б. Рафиқалиев ва А. Собировнинг ҳимматлари билан рўёбга чиққан.

Энди китобнинг нашри билан бирга тарихга бироз тўхталсак. Маълумки, Боборахим Машрабнинг ҳаёт ва ижод йўли мураккаб, турли афсонаю ривоятларга бой. Булар ҳақида фикр юритиш учун машрабшунослар олдида ягона манба «Девонаи Машраб», «Девони Машраб», «Шоҳ Машраб» ва «Қиссайи Машраб» номли асаргина мавжуд эди. Асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари кўп. Олимларнинг Машраб ҳақида, жумладан, асарнинг Машрабгами ё Пирмат Сеторийгами ёки бўлмаса Исҳоқ Боғистонийгами тегишли эканлиги борасида шу кунгача айтишган фикрлари ҳам ана шу қўлёзма ва босма нусхаларини ўрганишга асосланган. Ҳар қайси тадқиқотчи ўзида бор ё фойдаланиш имконига эга бўлган қўлёзма ёки босма нусхага асосланиб «Девон»ни Машраб, Сеторий ёҳуд Боғистонийники деган. Маснавийнинг тадқиқотчиси ва нашри И. Абдуллоҳ Машраб асари атрофида шундай фикрлар мавжудлигини таъкидлаб, ўзи ҳам бу масала хусусидаги мулоҳазаларини баён қилади. Лекин у бошқа тадқиқотчиларга қарама-қарши ўлароқ, «Девон»нинг Шарқшунослик институтида бор нусхаларнинг ҳаммасидан олинган маълумотларга асосланиб иш тутади. Натижада, «Девон»даги ғазаллар фақат Боборахим Машраб қаламига мансуб, деган хулосага келади. Шунинг билан бирга Машрабнинг наманганлик эканига ҳам шубҳа билан қарашга ўрин қолдирмайди. Чунки тадқиқотнинг шу масалага бағишланган қисмида бу хусусдаги олдин айтилган ҳамма фикрлар олимнинг назаридан четда қолмаган. Ҳолбуки, Машрабнинг биринчи тадқиқотчиси Н. С. Ликошин «1860-1922 йиллар» — қарийб юз йил илгари шоир яшаган уй ҳақида гапириб: «Наманган шаҳрининг ўртасидаги катта бозор... яқинида... Шоҳ Машраб туғилган уйнинг қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган»,— дейди. Бунинг устига, Ликошиндан аввал ёзилган манбаларда Машрабнинг нисбаси Намангоний, деб берилгани маълум. Муаллиф шоир таваллуд топган жой масаласига нуқта қўйиш учун ушбу байтни ҳам далил сифатида келтиради:

На малакман, на фаришта,
мен ҳам одам наслидан,
Мен таваллуди ўшал
фарзанди намангониман.

Китобни синчиклаб ўқиган киши, муаллиф билан бирга адабий ёдгорликлар ҳақида сўз юритилганда, энг аввало, ўша ёдгорликнинг мавжуд нусхаларини айнан, яъни факсимал нашрларини ёки жуда бўлмаса шоир нусхасига яқинлаша оладиган илмий-танқидий матнини тайёрлаб олиш лозимлигини англайди. Китобда масаланинг моҳиятини тўғри англатиш учун «Мабдаи нур»нинг олинган айрим нусхалари камлик қилиши, бунинг учун илмда қабул қилинган энг тўғри йўлга мувофиқ барча ёки энг муътабар нусхалар асосида танқидий матн яратилгани ҳақида гапирилади. Шу аснода олим асарнинг тили ва бошқа хусусиятлари ҳақида ишонч билан гапириш имконига эга бўлган. Танқидий матнга асосланган тадқиқотнинг афзалликлари унинг натижаларида яққол кўриниб туради. Унда айрим нусхалар асосида чиқарилган хато, айниқса, чалкаш фикрлар фош этилиб, ҳатто «Мабдаи нур» маснавийси Машраб қаламига мансуб эмас, деган тадқиқотчи М. Зокировнинг давр тақозоси билан шоир ижодини нотўғри талқин қилганини тан олгани ўқувчига маълум қилинади.

Демак, нашр қилинган китобнинг тадқиқот қисмини Машраб ва унинг шеърлари, «Мабдаи нур» маснавийси ҳақидаги барча маълумотлар, улардан келиб чиқадиган фикр-мулоҳазаларнинг таҳлили сифатида қабул қилиш мумкин. Шу маънода китобни анча тўла ва диққатга сазовор таҳлилий рисола, деса бўлади.

Китоб нашрининг тадқиқот қисми «Боборахим Машраб ва унинг «Мабдаи нур» асари» аталса-да, «Мабдаи нур» хусусидаги гап ушбу тадқиқотнинг сўнгида — «Мабдаи нур»нинг қисқа мазмуни ва ахлоқий-тарбиявий аҳамияти» сарлавҳаси остида берилган. «Мабдаи нур»да Румийнинг маснавийсидан фақат 40 байти таржимаси билан келтирилган, ўзи эса уч дафтардан иборат. «Маснавий-и маънавий» олти дафтардан ташкил топган бўлиб, унинг майда насталиқ хати билан кучирилган ноёб нусхалари бир неча юз варақни ташкил қилади. Шунга кўра Исматуллоҳ ҳожи Абдуллоҳ «Мабдаи нур»ни Румийдан таъсирланиб ёзилган мустақил асар, дейди. Машраб китобни «Маснавий-и маънавий» усулида унинг биринчи байтини бериш ва уни таржима қилиш билан бошлайди:

Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,
В-аз жудойиҳо шикоят мекунад.
Англағил най не ҳикоятлар қилур,
Ким, жудоликдин шикоятлар қилур.

«Мабдаи нур»нинг биринчи дафтарида — 17, иккинчисида — 27, учинчи дафтарида — 9, ҳаммаси бўлиб 53 ғазал ҳам бор. Биринчи дафтар охирига Машрабнинг учта мустазоди ҳам киритилган. Булардан иккитаси ўзбекча, биттаси араб тилидадир.

Бундан ташқари, Румийнинг «Маснавий»сидан олинган байтдан сўнг унинг таржимаси берилгач, мазкур байт мазмунини очиб берувчи ҳикоялар ҳам келтирилади. Ҳикоялар аксар машҳур суфийлар, шайхлар, авлиёлар, шоҳ ва пайғамбарлар ҳаётларидан олинган ибратли воқеаларнинг баёнидан иборат.

Қўлёзма ва босма китоблар тафсилотидан кейин «Мабдан нур»нинг умумий мазмуни, тил ва бадиий хусусиятлари ҳақида бироз гапирилган, маснавийнинг матни келтирилган. Матн китобнинг 36—257-бетларини эгаллаган. Китоб охирида луғат ва изоҳлар берилган.

Ушбу нашр туфайли китобхон Машраб ҳаёти ва ижодининг тўла тарихи, «Мабдаи нур» ва унинг атрофидаги баҳслар билан алоқадор барча маълумотларга эга бўлади.

Китоб баъзи матнга доир нуқсонлардан ҳам ҳоли эмас. Баъзан алиф «а» деб ўқиладиган ўринларда ҳам «о» деб ўқилган. Масалан, «тузат» «тузот», «урар» «урор», «чиқар» «чиқор», «узар» «узор», «чайнади» «чойнади», «бўлган» «бўлгон», «етурган» «етургон» деб берилган. Китобда баъзи иборалар тўғри ўқилмаган. Масалан, ҳар бир дарвешнинг сирини билиш учун аввал кўнглингни пок қил, деган мазмундаги мана бу байтда «Сирри ҳар» «сарҳири» деб берилган.

Пок кун аввал замир-и хешро
То бидоний сирр-и ҳар дарвешро.

Китобнинг луғат қисмида баъзи сўзларнинг луғавий маъноси билан чекланилиб, истилоҳий маъноси берилмаган. Масалан, «Мабдаи нур»да «Лавҳ» сўзи «Лавҳ-и маҳфуз» маъносида берилган, аммо луғатда «ёйиқ нарса, тахта, ёзув тахтаси», дейиш билан чекланилган. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, «Мабдаи нур»нинг ўзида ҳам тил ва шеър нуқсонлари бор.

Умуман, Исматуллоҳ ҳожи Абдуллоҳнинг мазкур китоби машрабшуослик соҳасидаги замонавий илмий асарларнинг энг қимматлисидир.

Алийбек РУСТАМИЙ,
Ботирбек ҲАСАН

ИШТИЁҚ

Журналнинг ўқишли бўлиши кўп нарсага боғлиқ. Шулардан энг муҳимлари: нашрнинг мунтазам мундарижаси ва ўзининг консепсиясига эгалигидир. Мен «Ёш куч» журналининг уч-турт сонини кузатиб шунга амин бўлдим. «Ёш куч» сохта сурурдан холи, баландпарвоз гаплар, ҳавойи орзу-ҳаваслар унга ёт. Унинг асосий шиори изланиш, шиддатли давр этагидан тутиш, уни таниб олишга, ўзини ва теваракни тушунишга, кўнглини ёзишга уриниш. «Қатортолга мактублар» — бир чимдим-бир чимдим хат парчалари баъзан бутун бир яхши ҳикоянинг ҳаяжонини беради кишига. Ёшлар — мактаб ўқувчилари, талабаларнинг орзу-ташвишлари, уларнинг севинчи ёлғондан ҳоли, содда, ўнгайсиз, ҳали тажрибадан узоқ, хом ва шуниси билан «Ёш куч»ники, шуниси билан жозибали; уларда ғаройиб ўсмирлар, ўғил-қизларнинг ёсларанжом юраклари тўпи-лаб уриб турганини ҳис қилиш мароқли.

Ҳар қандай сана қутлуғ, уларни нишонлаш жоиз. «Ёш куч» бундай «имконият»да зериктирмасликка уринади. Ўзбекистон телевидениесининг 40 йиллигига бағишланган 3-сонда бизни кунига-кунора кўриб турадиганимиз таниш чеҳралар билан ўзига хос йўсинда таништиради, ўқувчини телевидениенинг ичига олиб киради. Биз таниш чеҳраларни тағин (фотосуратларда) кўрамиз ва кимнинг аслида ким эканлигини билиш имконига эга бўламиз.

Газета, журналларни кузатиб юрганлар билади, айрим нашрлар баъзан кўзни шарт юмиб бошқаларнинг рукнларини «ўзиники» қилиб олади. (Рукн топишнинг ўзи матбуотда алоҳида маҳоратни талаб қиладиган юмуш). Бу ҳолни шу сабабдан кечириб бўлмайдики, «ўзлаштириб» олинган рукнни «ўзлаштирувчи» ўлдиради, яъни сийқасини чиқаради. Менга «Ёш куч»нинг топқирлиги — «Ёпирай», «Сурасам майлими» рукнлари маъқул бўлди. Бу рукнларда халқ ҳикмати ва ахлоқи яширин. Демак, жамоа каллани ишлатаяпти.

Журналнинг тили аччиқ ҳам, чучук ҳам эмас, болаларимизнинг тилига ўхшаган: самимий ва қизиқувчан, дангал. Масалан, шундай: «Ўқувчи нега дарсдан қочади, чунки у зерикади. Дарслар «45 минутлик муъжиза»га айлансин-чи, қочармиди?»

«Ёш куч» насиҳат қилмайди ва жуда тўғри қилади. Масалан, ҳижобдаги қизларга ҳавас ҳам, ҳасад ҳам уйғотишга уринмайди, бу ҳодисага биз шу кунда қандай муносабатдамиз ва аждодларимиз қандай муносабатда бўлишган, шуни мухтасар, ошкор баён қилади. Нуқтаи назарларнинг хилма-хиллигини сақлаш журналнинг эълон қилаётган материалларига ҳаётийлик бағишлаган. Қисқа, лўнда хулосаларда таҳририят эътиборли ривоятларга, ҳаётий ҳикоятларга таянаётгани катта нашрлар учун ҳам ибратдир.

Ижтимоийликдан ташқари «Ёш куч» адабий-бадиий ҳам. Бу борада унинг диди, фаросати эътироз уйғотмайди. Журналнинг 2-сонида таниқли адабиётшунос олимлар ва севимли шоир Рауф Парфининг чиқиши бунга бир далил.

Ёшликка хос жўшқинликнинг маданий ва самимий мулоҳазаларга уйғунлашгани журналдаги катта-кичик материалларнинг деярли барчасида сезилиб туради. Ранг-барангликкa, кўпроқ мактаб ёшдагиларнинг қизиқиш доираси, уларнинг бугунги кунда ишқи тушган, билишга, маълумот олишга эҳтиёжи бор мавзуларга ургу берилаётган нашрнинг харидоргирлигини таъминлайдиган омил. Журналнинг безалиши, саҳифаларга ишланган расмлар, танланган суратлар, матнларнинг жойлаштирилиши, ранг танлашлар — барчаси ўйлаб, ўлчаб, ақл-идрок билан амалга оширилгани жамоанинг ўз ишига чинакам иштиёқидан далолат бериб турибди.

Оддий арифметика йўли билан ҳисоблаганда журналнинг дам олишда ўқиладиган саҳифалари бироз кўпроқдай туюлади. Балки ёшларга жиндай юки енгилроқ матнлар маъқулдир. Бироқ, масалан, бугун фалсафа факултетида таҳсил олаётган йигитга қанақа фалсафа ўқитилаяпти, ҳуқуқшунос бўламан деган талаба келажакда ўзини жамоат транспортида кўрадими ё хусусий «Мерседес»идами? Қишлоқларда 7-8 жонга нон-ош топиб бераётган, оилани боқаётган ёшлар ҳам бор, уларнинг хаёлидан нималар кечаяпти? Негадир журналда ёшларнинг оммавий қизиқадиган соҳаси — спорт ҳақида деярли ҳеч гап йўқ...

... Аммо иштиёқ бор. «Ёш куч»да бу гупуриб қуриб турибди. Қолганини вақт кўрсатади.

О. АҲМАД

Кутлаймиз!

ОЛОВ ҚАЛБИМ СЕВГИГА ТЎЛДИ

... Беёён саҳро, чексиз қум барханлари, ҳорғин одим отиб кетаётган туялар, уларнинг устида қуёшнинг тафтидан, чўл шамолининг забтидан чеҳралари қорайган, кўзлари киртайган эркак-аёллар олис йўлга отланганлар. Туянинг қадам ташлашига монанд чайқалиб кетаётган тахтиравон ичида ҳассос бир инсон қитир-қитир қилиб нималарнидир ёзмоқда:

Жамолинг васфини э ой,
неча элдин эшиттаймен,
Некун бўлгай ки
васлингга менингдек
хаста етгайман...

Фахриддин Умаров ижро этган бу қўшиқни илк бор эшиттанимда кўз ўнгимда юқоридаги манзара гавдаланган. Мен ўз юртидан, ёру биродарларидан айро тушиб, «ҳинд сори юзланган» шоирни аниқ кўрганман ва унинг тақдирини ўйлаб, аччиқ—аччиқ йиғлаганман. Ушанда 14—15 ёшларда эдим. Ана шунда қушиқ тинглаш билан ҳам уша қушиқни ёзган шоирни кўриш, унинг қисматидан огоҳ бўлиш мумкинлигини кашф этгандим. Кейинроқ англасам, бу қушиқнинг қудрати, қушиқчининг маҳорати туфайли экан.

Ҳа, қушиқнинг сўзидаги ва мусиқасидаги қудратидан ташқари, уни айтувчининг Аллоҳ берган истеъдодида, юрак қўрида гап кўп.

Зеро, санъат майдонига шаҳдам одимлар билан дадил кириб келганлар кўп бўлди. Лекин халқнинг элагида эланиб, эл назарида қолганлар бармоқ билан санарли. Фахриддин ака ана шундай бахтга мушарраф бўлган, халқ синовидан ўтган санъаткор. Бу инсонга куч-қувватни, илҳомни халқ беради. Ҳар бир қушиғининг ўз тингловчиси бор. Ҳатто шундай хонишлари борки, улар тингловчини маст қилиши, узоқ-узоқларга олиб кетиши, одам ўзининг қаердалигини унутиши мумкин. Ўзбекистон жисмоний тарбия институти ходими Мирфаез Султонов билан суҳбатимизда у киши худди шу ҳақда ҳикоя қилиб бердилар:

— Фахриддин ака 1954—55 йиллари Тошкент туманидаги Бешқайрағоч даҳаси, собиқ Муқимий номидаги 12-ўрта мактабда мусиқа муаллими бўлиб ишлардилар. Биз, 9-синф ўқувчилари буш қолдик дегунча волейбол ўйнардик. Фахриддин ака ҳам биз билан баробар тўп ташлашар, спортга ўта ишқибоз эдилар. Маҳалламиз ғузарида соя-салқин супалар қурилганди. Маҳалла отахонлари Фахриддин аканинг йўлларини пойлаб ўтиришар, у киши қуринди, дегунча пешвоз чиқардилар. Фахриддин ака ҳам, қўллари қуксиларида тавозе билан қуришиб, отахонларнинг илтимоси билан қушиқни қушиққа улаб юборардилар. Бир сафар қушиқ тугагач, олқишлар янгради. Даврада жонланиш бошланди. Лекин оппоқ соқоллари куксини қоплаган бир отахон ҳассаларини тиззаларига қўйганча хонандага тикилиб, миқ этмай ўтиравердилар. Шунда ёнларидаги одам аста туртиб: «Ухлаб қолдингизми?» деб суради. Ҳалиги одам чўчиб атрофга қараб: «Ё қудратингдан, қушиққа маст бўлганимдан қаерда ўтирганимни унутиб, олис-олисларга кетиб қолибман», дедилар ва дуога қўл очдилар: «Илоё, яратган эгам умрингга, куч-қувватингга, иқтидорингга, қушиғингга барака берсин. Доимо халқ билан бўлгин, халқнинг дуосини олгин. Халқнинг хизматини қилиб, дуосини олган одамни Аллоҳ доимо ярлақайди». Эҳтимол ана шундай отахонлар, онахонларнинг дуолари туфайли Фахриддин ака неча йиллардан буён элга суюкли бўлиб келаётгандирлар.

Ҳеч эътибор берганмисиз, баъзан яхши хонандалар репертуарида ҳам сўзлари бундайроқ, анчайин эсда қолмайдиган қўшиқлар учраб туради. Лекин Фахриддин Умаров репертуаридаги қайси ашулани олманг, ҳаммасининг сўзлари ипга тизилган дурни эслатади. Эшитган саринг эшитгинг, маъносининг тубига етгинг, ҳаёллар оғушида сузгинг келаверади. Бунинг сабаби жуда оддий. Фахриддин Умаров қандай шеър қўшиқ қилиб айтиш мумкинлигини юракдан, ниҳоятда нозик ҳис этади. Фахриддин ака Қибрайнинг кенг далаларида трактор ҳайдаб, ер агдариб, комбайнда ғалла ўриб юрганида ҳам, радиокомитетга ишга келиб, санъатнинг паст-баланди билан яқиндан таниша бошлаганда ҳам, Тошкент Давлат педагогика институтининг тил-адабиёт факультетида таҳсил олиб, сараланган, асиллари танлаб олинган ғазалларни янада чертиб-чертиб танлаб, қўйга солиб ижро этганда ҳам доимий ҳамроҳи, ажралмас дўсти, тўймас суҳбатдоши китоб бўлган. Бу одам китобсиз ўтган кунларини кун санамаган. У кишининг Шайх Саъдий, Алишер Навоий, Бедил, Фузулий... каби ўнлаб мутафаккирларимиз ғазалларини садафдан дур ажратгандек сўзма-сўз таҳлил қилиб, бир олимчалик мағзини чақишлари ана шундан.

— Фузулийнинг бир ғазалларини қўшиқ қилдим, — дея ҳикоя қилади Фахриддин ака, — «Мажнунки подшоҳ сипохи вухуш эрди. Мандек мусаххар этмади мулки маломати». Яъни «Мажнун подшоҳу ваҳший ҳайвонлар унинг сипоҳлари эрди», маъносида эди. Мен қўйга солишда «вуҳуш» ўрнига «вахшутаюр», яъни «ваҳший ҳайвонлар ва қушлар сипоҳи эрди», маъносида олдим. Қушиқни бир-икки ижро этганимдан кейин, бир куни домлам, ҳаётдаги энг азиз ва муътабар кишим Шариф Юсупов кекса бир одам билан хонадонимизга кириб келдилар. Бир пиала чой устида суҳбат бошланди. У киши менга Фузулийнинг қатор ғазалларини ёд айтиб, талқинини сурайвердилар. Мен имконим қадар жавоб беравердим. Охирида юқоридаги байтни нега ўзгартирганимни сурадилар. Мен шарҳладим. Шундан сўнг: «Офарин, мен розиман. Қушиқни шундай айтаверинг», дея фотиҳа қилдилар. Билсам, бу киши машҳур фузулийшунос олим Холид Расул экан. Сўзни, ғазални соф сақлаш, асл ҳолича авлодларга мерос қолдириш ишқи у кишида шунчалар кучли эканки, менинг қўшиғимда ғазалдаги бошқаларга арзимасдек бўлиб туюлган ўзгаришни дарҳол сезиб, бунинг сабабини билишга жазм қилибдилар. Ана, тилга, ота-боболаримиз меросига, адабиёт ва санъатга муҳаббат. Шундан кейин ҳам қушиққа бирорта сўзни қўшиб айтиб кўрингчи.

Фахриддин акадаги қушиқ айтиш, куй ва ғазал танлашдаги талабчанлиқ, шеър. шоир ва тингловчи олдидаги масъулият ҳисси шу қадар юксакки, у киши айрим қўшиқчиларга ўхшаб сўзларни хоҳлаган мақомга солиб қўйламаслар. Шеър танлашдаги маҳоратлари боис қушиқларини кексаю ёш бирдек севиб тинглайди.

— Онам раҳматли 96 ёшларида вафот этганлар, — дея эслайдилар Қаҳрамон она Турсунхон Мажидова. — У кишининг биттаю битта севган қушиқчилари Фахриддин Умаров эди. Ҳатто ҳаётларининг охирги дақиқаларида ҳам нурсиз кўзларини тепага тикиб, у кишининг қушиқларини тинглаб, дуо қилиб ётганлар. Доимо: «Қушиқларини одам қулоғи билан эмас, юраги билан тинглайди-я», дердилар. Мана, ўзим ҳам шу хонанданинг доимий мухлисиман. Ҳозир 70 ёшлари билан табриклаш, қушиқларини яна бир бор ўз оғиз-ларидан тинглаш мақсадида салкам 80 га кирган бўлсам ҳам, эринмай шу даргоҳга келдим. Илоё, худойим умрларини узоқ, мартабаларини яна ҳам баланд қилсин.

Биз бу онахон билан «Туркистон» саройида, Фахриддин Умаровнинг 70 йиллик тўйлари арафасида бўлган концертларида суҳбатлашгандик. Ушбу концерт ва унга тўпланганларнинг хонандага муносабати менинг Фахриддин Умаровга ва унинг қушиқларига муҳаббатимни янада оширди. Уша куни бу ерга йиғилганлар шунга амин бўлдикки, халқ у кишининг қушиқларини соғиниб қолган, юзма-юз тинглашга муҳтож экан. Ҳаво булут бўлиб, ёмғир савалай бошлаганида ҳам бирорта томошабин жойидан қўзғалгани йўқ. Катта томоша майдонидаги минглаб одамлар гўё бир тану бир жондек, бир кўз бўлиб қушиқчига маҳлиё бўлганларича, қимир этмай ўтиришди. Мен билан суҳбатда бўлган Дилбархон ая Юсупова, 78 ёшли Ҳалима буви Нишонбоева, 65 ёшли Мамлакат Ваҳобова, 66 га кирган Мирсаид Миробидов Фахриддин аканинг тенгдош журалари Аҳмад ота Шоҳакимов, шогирдлари Ҳотам Қосимов ва бошқалардан худди юқоридагидек дил сўзларини эшитиб, Фахриддин аканинг эл-юрт олдидаги ҳурматларига яна бир бор тан бердик. Зеро, кексалар бу ерга ўз ёшликларини, баҳорларини қўргани келганликларини айтиб, хонандани узоқ дуо қилишди.

Ҳа, бу кун Фахриддин ака 70 ёшда йигитлардек қўлларида тор билан саҳнага чиқиб, кетма-кет қушиқлар айтиб, маҳорати билан мухлисларини яна бир бор ҳайратга солди. Ҳамманинг дилидан беихтиёр «кўз тегмасин» деган сўзлар кечгани аниқ. Донгдор санъаткор эса ўзининг дил сўзларини қуйидагича изҳор этди:

— Халқим! Сизларга атаб қушиқ айтиш менга насиб бўлди. Мен куч-қувватни сиздан оламан. Оламга донги кеттан буюк Амир Темур, Алишер Навоий, Ибн Сино каби боболаримизни ҳам сиз яратгансиз. Инсоннинг боши осмонда турса ҳам, бир қўли ерда турсин. Ривоят қиладиларким, саҳобаларимиздан бири шайтони лаъин билан олишаётганларида худога нола қилган эканлар: «Аллоҳим, менинг оёғимни ердан узмагин, шунда ҳар қандай шайтону иблисни енгаман», деб. Мен Аллоҳга тавалло қиламанким, э Парвардигор, мени аввало ҳақдан, қолаверса халқ назаридан қўйма. Халқнинг назари тошга жон киргизади, қуруқ ёғочдан гул ундиради. Сиз туфайли мен иззат-ҳурмат кўрдим. Мана, дориломон кунлар келди. Мамлакатимизнинг эркини қўлга олиб, мустақиллик йўлида қилаётган меҳнат-шижоатлари санъаткорман, деганнинг кўнглига қўшиқ, мусиқа солади. Мен истиқлолимиз шарафига «Халқим» номли қўшиғимни яратдим. Кучим бор экан, сиз учун, сизнинг бахт-иқболингизни қўшиқ қилиб куйлайвераман. Юртбошимиз айтганларидек, элим деб, юртим деб ёниб яшайман. Санъаткорнинг илҳоми том маънода жўш урадиган даврлар келди. Элга, санъатга, санъаткорга эътибор ҳеч қачон ҳозирги даврдагидек бўлган эмас. «Узбекистон — Ватаним маним» қурик-танловининг ўзи қанчадан-қанча истеъдодларни кашф этмади!. Ҳали яна қанча Фахриддинлар, Камолиддинлар, Ҳожиакбару Ғуломжонлар келар дунёга. Уларни Сиз — Халқим кашф этасиз ва авайлаб-асрайсиз.

Етмиш ёш — бу кексалик дегани эмас. Халқим бор экан, мен ўзимни доимо навқирон ҳис қиламан. Элим учун, юртим учун қўшиқлар яратиш менинг азалий ва абадий ниятим. Шу ниятимда собит қолдим. Менинг номим эмас, қўшиқларим қалбингизда қолсин:

Халқим!
Гўзал ҳаёт, тақдиринг
сенинг.
Олов қалбим севгига тўлди,
Мафтун этган туганмас
меҳринг...
Қалбимдаги ишқ-муҳаббатни
Ўтай умрим борича куйлаб.

Ватанимиз, халқимиз учун муқаддас байрам — 1 сентябрда Фахриддин Умаров ҳам қутлуғ етмиш ёшларини нишонладилар. Бу севимли, хушовоз санъаткоримизга мустаҳкам соғлик ва узоқ умр тилаб, жарангдор овозингизга асло ғубор қунмасин, алифдек қоматингиз ҳеч қачон эгилмасин, деймиз. Зеро, бу улкан ва ҳассос қўшиқчининг халқдек буюк суянчиғи бор экан, ҳеч қачон қадди букилмас.

Шаҳзодахон
ХУДОЙБЕРДИЕВА

«ЎЗИНГНИ ИЛМ БИРЛА БЕЗАТ ҲАР МАҲАЛ...»

Боши биринчи бетда

Дарвоқе, сўнгги вақтларда давр тақозосига кўра мактабларимизда «Ҳуқуқшунослик», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Инсон ва жамият» каби янги фанлар ўқитилиши жорий этилди. Ушбу ўқув йилидан эътиборан мактаблар ўқув режасига «Иқтисодий билимлар асослари» фани ҳам киритилди. Ҳозирга қадар бу фанлар бўйича муайян қўлланмалар, тавсиялар яратилган, лекин ҳамма бирдай фойдаланиши мумкин бўлган мукаммал дарсликлар йўқ ҳисоби. Бу биз қўл қовуштириб ўтирибмиз дегани эмас, вазирлигимиз муассислигида чиқадиган матбуот нашрлари орқали ушбу фанлар ўқитувчиларига ёрдам тариқасида сиртқи дарслар бериб боряпмиз. Шунингдек, иккита қўлланма, тегишли дастурлар яратиб, жойларга етказдик.

Яна бир гап. Бу йил 1-синфларга қабул қилинганлар туласича лотин алифбосида ўқий бошлайдилар. Шунга биноан зарур янги «Алифбо» дарсликлари етарли миқдорда чоп этилиб, мактабларга жўнатилди. Ўқув йилининг биринчи чораги давомида шу алифбода битилган бошқа дарсликлар ҳам мактабларга етказиб берилади. Умуман олганда, лотин алифбосига ўтиш бошқа синфлар ўқувчилари орасида маврриди билан, босқичма-босқич амалга оширилади.

— Шу ўринда мактаблар қурилиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Биласизми, кейинги пайтларда қушни жумҳориятларнинг айримларида мактаблар ва боғчалар барпо этиш деярли тўхтаб қолди. Бизда эса 1993-95 йиллар ичида 254192 ўринли янги мактаблар қад ростлади. Бу йил эса, жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Узбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига жавобан, биргина қишлоқ жойларда 42,5 минг ўқувчига мўлжалланган янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Шу мақсадда бу бунёдкорлик ишларига 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Лекин, яширишнинг ҳожати йўқ, биз кўргазмали ўқув қуроллари масаласида бирмунча муаммоларга дуч келяпмиз. Уларни асосан чет эллардан катта пул эвазига, минг бир машаққатлар билан топишимизга тўғри келяпти.

— Шундай экан, жумҳориятимизда мактабларни, билим юртларини, олий ўқув даргоҳларини зарур ўқув қуроллари, буюм ва жиҳозлари билан таъминлашга ихтисослашган алоҳида корхоналар қурилса, қандоқ бўларди.

— Жуда ажойиб иш бўларди. Лекин бунинг учун катта миқдорда моддий маблағ, энг муҳими, ташаббускорлик, қунг-ҳафсала керак-да.

— Дарвоқе, ташаббускорлик ва қунт-ҳафсала ҳақида сўз очдингиз. Мен шу ўринда бир нарсани эслатмоқчиман: ҳеч кимга сир эмас, кейинги пайтларда мактаб қутубхоналари анча камбағаллашиб қолди. Уларда ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришга, билимини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган янги бадиий адабиётларни топиш кўпинча амри-маҳол. Эскилари эса қўлдан-қўлга ўтавериб, ночор аҳволга тушиб қолган. Биламан, бунинг учун Вазирликни айблаш ноўрин, у мактаб қутубхоналари учун маблағ ажратиш имконига эга ҳам эмас. Лекин муаммони ҳал этишнинг бошқа йўллари ҳам бор-ку. Масалан, мактабларда вақти-вақти билан «Китоб ҳафталиги» ёки «Қутубхона куни» уюштирилса-ю, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, қўнгиллилар ўзларида бўлган ортиқча китобларни қутубхоналарга ҳадя этсалар, қандоқ яхши! Биринчидан, мактаб хазинаси бойирди, иккинчидан, бугун қутубхонага иккиучта китоб топширган ўқувчи эртага худди шу ердан юзлаб бошқа бадиий асарларни олиб ўқиш имкониятини қўлга киритарди.

— Кошкийди, ҳамма ҳам шундоқ фикрда бўлса, муаммо осонгина ечимини топарди. Агар бу борада битирувчи синф ўқувчилари ташаббускорлик курсатсалар, мактабга узларидан ҳеч қачон унутилмас, бебаҳо эсдалик қолдирган бўлиб чиқардилар. Мен буни ўз бошимдан ўтказганман. Бундан 30 йилча муқаддам, мактабни битириш арафасида, кутубхонамизга синфдошларим қатори дастхат ёзиб, атиги иккитагина китоб совға қилгандим. Ҳозир ҳам ўзим ўқиган даргоҳга борсам, уша китоблардан ўғил-қизларимиз фойдаланаётганини кўриб қалбим фахр-ифтихорга тулади.

— Демак, фикримиз бир жойдан чиқди. Бу ҳақда ота-оналар, кенг жамоатчилик, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ўйлаб кўрсалар, нур устига нур бўларди.

— Ҳақ гап, юқорида айтганимдек, таълим-тарбия ҳаммамизнинг ишимиз. Ундан ҳеч ким четда турмаслиги керак. Мен фурсатдан фойдаланиб, бир оз кеч бўлса-да, барча ҳамкасбларимизни ва юртдошларимизни Истиқлолимизнинг беш йиллик байрами ҳамда Билимлар куни билан чин кўнгилдан қутлайман.

Суҳбатдош
Абдунаби ҲАЙДАРОВ

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Арнасой туманида жорий йилнинг 8 ойи давомида ўтган йилгига нисбатан қонунбузарликлар анча камайди. Энг муҳими, қотиллик, босқинчилик, фирибгарлик ва товламачилик сингари жиноятлар мутлақо рўй бермади. Бироқ ўғрилик, жумладан, мол ўғирлаш бирмунча кўпайди. Аниқроғи, шу кунга қадар 20 марта ўғирлик содир этилган бўлса, шундан учдан бир қисми мол ўғирлашга даҳлдор жиноят бўлиб чиқди. Бу ҳол туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Бекмурод Норовни анчадан буён жиддий ўйга солиб келаётган эди. Негаки, ҳар қанча чора-тадбирлар қўлланишига қарамай, мол ўғирлаш давом этаётган эди. Афтидан, бу ишга қўл ураётганлар анча пихини ёрган, пинҳона иш юритишнинг ҳадисини олган кишиларга ўхшарди. Бас, шундай экан, қандай бўлмасин, калаванинг учини топиб, иллатнинг газаклаб кетиши олдини олиш шарт эди.

Қарангки, ички ишлар бўлими мутасаддилари худди шундай режа тузишга киришган бир пайтда Қурбонтоев деган фуқаро арздод билан келиб қолди. Айтишича, ўғрилар кечаси унинг қўрасини бузиб, икки бош қорамолини олиб кетишибди.

Бекмурод Норов бу воқеадан огоҳ топган заҳотиёқ ўз ходимлари Б. Ҳусанов, О. Ихтиёров ҳамда участка назоратчиси И.Лақаевни ҳузурига чақирди. Шу куниёқ кўра атрофидаги ўғирлик аломатлари атрофлича ўрганилди. Жиноятчилар кимлар бўлиши мумкинлиги, қай вақтда шум ниятларини қайтадан амалга оширишлари эҳтимоли борлиги тахминий таҳлил қилинди. Зимдан олиб борилган кузатишлар ниҳоят ўнинчи куни ўз самарасини берди. Ўғрилар навбатдаги «ўлжа»ни ўмараётган пайтда тузоққа илиндилар. Буни қарангки, кейинчалик маълум бўлишича, улар бир ёки икки киши эмас, роппа-роса беш киши экан. Тағин денг ҳаммаси ёш, эндигина 20 га етиб-етмаган йигитлар. Аммо ёш бўлишса ҳам, мол ўғирлашни анчагина пухта ўзлаштириб олишган экан. Мана, қинғир ишнинг охир-оқибати — улар эндиликда қилмишларига яраша жазо оладиган бўлдилар.

Бу-ку, табиий. Аммо кишини бошқа нарса таажжубга солади: молини ўғирлатган, жабр кўрган кишилар кўпинча ҳуқуқ-тартибот идораларига дод-фарёд кўтариб борадилар, қандай бўлмасин, айбдорларни топиб, жазолашни талаб қилишади. Лекин кейинчалик, турли сабабларга кўра, ҳовурларидан тушиб қоладилар, баъзан ҳатто даъволаридан воз кечиб, иложи бўлса, айбдорларга енгиллик беришни сурайдилар.

Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Боиси — қўлга тушган ўғриларнинг айримлари ўз қариндошларининг ёки қушниларининг молини гумдон қилишган экан. Шунданми, аввалига «Молим йўқолди, ўғрини топиб беринглар», деб арз қилган жабрдийдалардан баъзилари ўз аризаларини кайтариб олиш ҳаракатига тушиб қолдилар. Уларнинг асл ниятмақсадларини тушунса бўлади. «Ўғрилар ёш экан, «қамалиб чиққан», деган тавқи-лаънат орттиришмасин», деган ўйда юз-хотирчилик қилган бўлишлари мумкин. Лекин ўша ўғрилар бу одамгарчиликни тушунармикинлар. Аксинча, одамларнинг раҳмдиллигини, кўнгилчанлигини бошқача тушуниб, келгусида бундан-да каттароқ жиноятга қўл урмасмикинлар?

Масаланинг ана шу жиҳати кишини жиддий ташвишга солади!

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
жумҳурият Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими, милиция катта лейтенанти

«УСМОН НОСИР ҚАЕРДА?»

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилган Абдулла Аъзамовнинг «Усмон Носир қаерда?» номли песасида юртимизнинг ардоқли фарзандлари қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Песа бевосита боғдаги шеърхонликдан бошланади. Аммо саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев учун 30-йиллар воқеаларини акс эттиришда бу шеърхонликнинг ўзи камдек туюлади. Шунинг учун песанинг саҳнавий талқини бошқачароқ тус олган... Залга кирган томошабин дастлаб саҳна уфқининг чексизлиги, аммо бу чексизлик ўзга ташланар-ташланмас қора деворлар билан ўралганининг гувоҳи бўлади. Деворларга тираб қўйилган темир нарвонлар, ундан юқорида бир маромда одим ташлаб юрган соқчилар кўзга ташланади. Саҳнанинг ҳар ер-ҳар ерида бесўнақай шаклда ишланган собиқ доҳийларнинг ҳайкаллари.

Олисдан карнай-сурнай садолари эшитила бошлайди. Бироз ўтгач, карнай овозини ноғора ва горн овози босиб кетади. Саҳнага саф-саф бўлиб қизил бўйинбоғли кашшофлар кириб келиб бошлайдилар. Иккинчи томондан байроқ ва халқлар отаси Сталинни улуғловчи шиорлар кўтариб олган омма кириб келади. Уларнинг ҳаракати айлана шаклида давом этади. Бирдан таниш нали куй янграйди. Тепадан халқлар отасининг каттакон расми тушиб кела бошлайди. Нотиқлар минбарга кўтариладилар. Ора-орада «Халқ душмани» деган ғазабнок ҳайқириқлар қулоққа чалиниб туради.

Аста-секин томошабин диққатини саҳнанинг олдида тўпланган шоирлар тортади. Бўгда шеърхонлик бошланган эди. Режиссёрнинг маҳорати шундаки, у 30-йилларда СССР деб аталиб, пролетар диктатураси ҳукм сурган социалистик мамлакатда сиесий ва ижтимоий муҳит қандай бўлганлигини саҳна ифода воситалари орқали яққол очиб бера олган.

Усмон Носир вужудидан оқиб чиқаётган ўтли мисралар эл-юрт устига бостириб келаётган қизил қуюннинг гармсел мисоли қайноқ нафаси тобора яқинлашиб қолганидан жар солаётгандек эди. «Қизил вабо» ўзини кўп кутдириб қўймади. Оломоннинг ҳайқириқ ва олқишлари яна авжга минди. Мадҳиялар, ҳамду саналар, «Халқ душмани» деган ҳайқириқлар... Аста-секин терговчи хонасига кириб қолгандек бўламиз.

— Эй, тоғлари кўкларга
салом берган ҳур Ўлка,
Нега сенинг бошинг узра қуюқ
булут, қўланка?..

Чўлпоннинг бундай изтиробли шеъри Терговчини (Маъруф Ниёзов) талвасага солади.

Терговчи — Гражданин Юнусов Абдулҳамид, Сиз миллатчи...

Чўлпон — Ҳа! Мен миллатчиман! Миллаткашман. Миллатпарастман. Миллатни уйқудан уйғотмоқчи бўлган, иродасини чархламоқчи, руҳини қўзғамоқчи бўлган шоир Чўлпон — мен! Энди ёзинг!

Актёр Садриддин Омонов ушбу саҳнани моҳирона талқин қилар экан, мутлақо овозига зўр бермайди. Аксинча, унинг босиқ кўзларида қўрқинч йўқ. Мустақиллик шабадаси «яқинмикан ёки ҳали олисдами», деган бир ташвиш бор чеҳрасида холос...

Саҳна ортида узилган якка ўқ овози, гўё Чўлпон билан бирга томошабин қалбини ҳам тешиб ўтгандек бўлади. Яна саҳнада олқиш ва ҳайқириқлар... Асарнинг энг юқори нуқтаси Усмон Носирнинг онаси билан видолашув саҳнасидир. Усмон Носир ўзига қўйилган биронта айбномага иқрор бўлмагани ва далил-исботлари йўқлиги сабаб уни отишга жўръат этолмай, сургунга ҳукм қиладилар.

Актёр Одилжон Каримов юрагида олов ёниб турган шоир ролини юксак маҳорат билан ижро эта олган. Одилжон Усмон Носирнинг нафақат шоир, балки Ватанини беқиёс севувчи фарзанд, онасининг суюкли ўғлони, душманларга нисбатан шафқатсиз жангчи каби бир қатор қирраларини ишонарли очиб берган. Шунингдек, спектаклдаги Она образи ижрочиси Махсуда Фахриддинова, Сотқин ролини ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Исомиддинов, актёр Алижон Тожибоев яратган образлар томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, терговчи образини яратган Маъруфжон Ниёзов ижроси ҳақида кўп илиқ гаплар айтиш мумкин.

Спектакл режиссёри Карим Йўлдошев асар устида узоқ изланишлар олиб борганлиги кўриниб турибди. У саҳна имкониятларидан тўла фойдалана билган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу сафар Карим Йўлдошев бадиий юксак, мукаммал спектакл яратишга муваффақ бўлган.

Табиийки, спектаклда баъзи камчиликлар кўзга ташланади. Айрим саҳналарда эҳтирос устиворлиги сабабли актёрлар овозга зўр беришган. Мусиқалар танлашда аралаш-қуралаш ҳолатлар учрайди. Айниқса, асарнинг сўнгги саҳнасида муаллиф ва режиссёр мақсади томошабинга тўлиқ етиб келмаган. Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий. Шу маънода спектаклга бир бутун саҳна асари сифатида қарайдиган бўлсак, театр жамоаси ўз олдига қўйган эзгу мақсадига эришолган.

Беш йиллиги катта тантаналар билан нишонланган мустақиллигимизга етишдаги эрк ва озодлик йўлида ўзбек халқининг асл фарзандлари олиб борган курашлар ва бу курашлар қурбонларсиз қўлга киритилмаганлиги ўз аксини топган «Усмон Носир қаерда?» спектакли театр жамоаси ҳаётида муҳим босқич бўлиб қолишига умид билдирамиз.

Жўра МАҲМУД,
ёзувчи

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
ЎЗБЕКИСТОН ADABIYOTI VA SAN'ATI
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА
Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Саъдулла СИЁЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0499. Ҳажми — 4 босма табоқ. Тиражи—10843. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6